2 АВГ 1991
ПОПИСАНО

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 148 (10.144). • 1991 йил 2 август • жума • Баҳоси 8 тийин.

## УЧРАШУВНИНГ ИККИНЧИ КУНИ

Москва яқинидаги Ново-Огарево қароргоҳида 31 июль куни олий даражадаги Совет — Америка учрашуви давом эттирилди. Бу ерда, беҳаловат мухбирлардан олисда, М. С. Горбачев билан Ж. Буш бир кун аввал Кремлда бошланган мулоқотни ошкора ва норасмий муҳитда яна бошладилар.

Умуман эса Ж. Буш СССРга расмий ташрифининг иккинчи куни эрталаб АҚШ Президенти Кремль девори ёнидаги Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйиши билан бошланди.

Шундан кейин у «Славянская — Рэдиссон» меҳмонхонасига борди, у ерда СССР ва АҚШ савдо-саноат аҳлининг юздан ортиқ намояндаси иштирокида амалий нонушта зиёфат берилди.

АҚШ Президенти иккала мамлакат ишбилармонлари билан учрашувда икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини анчагина кенгайтиришга кўмаклашадиган тадбирларни кўришга тайёрлигини айтди. У Вашингтонга қайтиб боргач, Совет — Америка савдо битимини ратификация қилиш учун конгрессга тақдим этмоқчи, шунингдек СССРга АҚШ билан савдо-сотиқда энг кўп қулайлик яратиш мақоми берилишига ҳаракат қилмоқчи эканини тасдиқлади.

Ж. Буш Совет Иттифоқининг энг яхши иқтисодий келажагига бўлган умидларни айни хусусий ишбилармонларнинг ташаббуси билан боғлаётганини очиқ-ойдин қилиб айтди. Эндигина оёққа тураётган совет бизнеси намояндаларига «чайқовчи ва эксплуататор» ёрлиқлари ёпиштириб қўйилишига қатъий эътироз билдириб, бу ўринда гап пештахталарни молларга тўлдирадиган кишилар ҳақида бормоқда, деб таъкидлади.

Президентнинг фикрича, эркин бозор қадриятлари рус анъанасига асло зид эмас. Айни вақтда у музокаралар чоғида Совет Иттифоқи раҳбарияти эркин ишбилармонлик ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш учун амалий ҳаракат қилиш зарурлигини тушуниб турибди, деган таассурот олганини уқтириб ўтди.

Стратегик ҳужум қуроллари (СҲҚ)ни чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши АҚШ Президентининг Совет Иттифоқига расмий ташрифи чўққиси бўлди. Катта Кремль саройининг Владимир залида бўлиб ўтган бу маросим турли даражаларда ўтказилган кўп босқичли мураккаб музокаралар натижасида ўн йиллик даврини якунлайди.

Шартномага СССР ва АҚШ Президентлари имзо қўйдилар. Бу ишни бажо келтириш учун улар фойдаланган авторучка қуроллароғларни қисқартириш тўғрисида илгари эришилган аҳдлашувларга биноан тугатилган Совет ва Америка ракеталари металлидан махсус тайёрланганлигининг рамзий маъноси бор.

Шундай қилиб, жаҳон тарихида биринчи марта қурол-яроғларни кўпайтиришни чеклабгина қолмай, шу билан бирга шу пайтгача ғамлаб қўйилган энг кўп вайронгарчилик келтирувчи оммавий қирғин қуролларини амалий равишда қисқартиришни ҳам кўзда тутадиган шартнома тузилди. Умумий қисқартириш даражаси стратегик ядро қуроллари миқдорининг салкам 30 фоизини ташкил этади.

Ядро қуролларини тугатиш жараёни миқёси ва янгилиги жиҳатидан мислсиз қаттиқ назорат остига олинади. Бунда, жумладан, текширувнинг 13 тури, стратегик ядро қуролларини ишлаб чиқарувчи объектларининг ҳамма томонлари ва ўтиш нуқталари устидан доимий кузатув кўзда тутилади. Бундан ташқари томонлар баллистик ракеталарни учириб синаш вақтида улардан бериладиган телеметрия ахбороти устидан ўзаро назорат ўтказишлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шартномада қўйилган вазифаларнинг бажарилишига кўмаклашиш учун СССР билан АҚШ шартнома кучга кирмасданоқ унга риоя этилиши ва текширувлар ўтказилиши билан шуғулланувчи қўшма комиссия тузадилар.

СҲҚга оид шартнома 15 йилгача кучини сақлаб қолади ва, янги битим билан алмаштирилмаса, навбатдаги 15 йиллик муддатга узайтирилавериши мумкин.

Гарчи шартнома ўз аҳамияти жиҳатидан мислсиз бўлса ҳам, иккала томон унинг СҲҚни қисқартириш жараёнининг жуда муҳим ва истиқболли бошланиши эканини жуда яхши англаб турибди. Шу сабабли олий даражадаги Совет — Америка учрашуви арафасидаёқ СССР ва АҚШ вакиллари бу йўлдаги иш давом эттирилади, деб таъкидлаган эдилар.

СҲҚга оид шартномани имзолаш маросимида М. С. Горбачев билан Ж. Буш қисқа нутқ сўзладилар.

Шу куни СССР ва АҚШ Президентлари биргаликда совет ва чет эл журналистлари билан суҳбатлашдилар.

Кечқурун АҚШ Президентининг Москвадаги расмий қароргоҳи — Спасо-Хаузда Ж. Буш ва Б. Буш номидан СССР Президенти ва Р. М. Горбачева шарафига зиёфат берилди. Иккала мамлакат раҳбарлари қадаҳ кўтариб қисқача нутқ сўзладилар. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

* * *

МОСКВА, 1 август. (ТАСС мухбири). Жорж Буш бугун Киевга учиб кетди.

Украина пойтахтида АҚШ Президентининг республика раҳбарлари билан учрашувлари, парламентда нутқ сўзлаши, София соборини ва «Бабий яр» ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиши кўзда тутилган.

Ж. Бушнинг мамлакат бўйлаб қиладиган сафарида СССР вице-президенти Г. И. Янаев унга ҳамроҳ бўлади.

(ТАСС).

## РЕСПУБЛИКАДА ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА БАРҚАРОРЛИК, НОРМАЛ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ТАЪМИНЛАНСИН

**Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда жумҳурият вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг ва халқ депутатлари вилоят Кенгашлари ижроия комитетларининг раислари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси қатнашдилар.**

Мажлисни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов олиб борди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистон ССР ҳукумат делегациясининг ХХР Шинжонг-Уйғур мухтор районига сафари якунлари тўғрисида ахборот берди. Делегация ишини маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Барча вазирликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига ташриф чоғида эришилган аҳдлашувлар қандай бажарилаётганлигини алоҳида назорат остига олиш таклиф қилинди.

Мажлис қатнашчилари республика халқ хўжалигининг шу йил биринчи ярим йиллик иш якунларини, Ўзбекистон ССРнинг 1991 йил иккинчи ярим йилликдаги фавқулодда бюджетини ва бошқа баъзи масалаларни кўриб чиқдилар.

Мажлисда таъкидлангандек, мамлакатдаги ишларнинг аҳволи ёмонлашиб бораётганига, рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатаётганига, табиий офат туфайли юзага келган қийинчиликлар кескин тус олаётганига қарамай, кўрилаётган тадбирлар жумҳуриятда асосан ижтимоий масалаларни ҳал этишда барқарорликни, нормал ижтимоий-сиёсий вазиятни таъминлашга имкон берди.

Айни вақтда жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида аҳвол мураккаб бўлиб қолаётганлигидан далолат бермоқда. Ишлаб чиқарилган миллий даромад ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоиз қисқарди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги 3,1 фоиз камайди. Энг муҳим халқ истеъмоли моллари ва озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпгина турларини ишлаб чиқариш қисқарди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ялпи ишлаб чиқариш ҳажми асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни камайтириш ҳисобига пасайиб кетди. Бу, аввало, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, вазирликлар ва деҳқончилик-саноат мажмуи идораларининг раҳбарлари ва мутахассислари ҳали ҳам озуқа ишлаб чиқаришга етарли эътибор бермаётганликлари билан боғлиқдир.

Инвестиция соҳасида ҳам соғломлаштириш рўй бермади. Асосий фондларни ишга туширишни 30,7 миллион сўм қисқарди, 44 та объект фойдаланишга топширилмади. Капитал маблағлар ҳисобидан касалхоналар, клублар ва маданият уйлари, уй-жойларни фойдаланишга топшириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайди.

Халқ хўжалиги тармоқларининг молиявий аҳволи ёмонлашди. Корхоналар ва ташкилотларнинг 13 фоиздан кўпроғи 160 миллион сўм миқдорида зарар кўрди. Актив оборотдан 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағни дебиторлик қарзга олиш корхоналарнинг молиявий аҳволини ёмонлаштирмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Молия вазирлиги, республика банклари, вазирликлари ва идоралари корхоналар ҳамда ташкилотларнинг молиявий фаолиятини етарли даражада назорат қилмаяптилар, қарзларни камайтириш ва оборот маблағларни фаол ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш имкониятларини қидирмаяптилар.

Хўжалик алоқалари ва шартномавий интизомнинг бузилиши, республика халқ хўжалиги айрим тармоқлари иқтисодий кўрсаткичларининг пасайиши бюджет даромад қисмининг анча камайишига олиб келди. Фақат биринчи ярим йилликдагина бюджетга 1,1 миллиард сўм пул тушмади.

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, СССР Вазирлар Маҳкамаси билан мустақил республикалар ҳукуматларининг бозорга ўтиш шароитида мамлакат иқтисодиётини тангликдан олиб чиқишга доир биргаликдаги ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган вазифалар сўзсиз бажарилиши учун куч-ғайратларни жамлашга қарор қилди.

Барча вазирликлар ва идораларга йўл қўйилган қолоқлик ўрнини мумкин қадар тўлдириш ва 1991 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида 1990 йилда эришилган ишлаб чиқаришнинг бир кунлик ўртача ҳажмларини тиклаш юзасидан шошилинч чоралар кўриш топширилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги барча комплекслар, республика вазирликлари ва идораларининг юзага келган аҳволдан чиқишга доир аниқ равшан вазифалари белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамаси бюджет камоматини қисқартириш, пул муомаласини барқарорлаштириш, республика аҳолисининг турмуш даражасини кўтариш ва уларга ижтимоий кафолатлар бериш билан боғлиқ тадбирларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш учун бюджет харажатларини 25 фоиз қисқартиришга ва бюджет камоматининг энг кам лимитини 4076,6 миллион сўм миқдорида тасдиқлашга қарор қилди.

Деҳқончилик-саноат мажмуи корхоналарининг молиявий аҳволини соғлом лаштириш, улар нормал ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида колхозлар (бунга балиқчилик хўжаликлари ҳам киради), совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини 1991 йилдан бошлаб барча турдаги солиқларни тўлашдан ва бюджетга тўловлардан озод қилишга қарор берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг деҳқончилик-саноат мажмуига Молия вазирлиги ва Ўзбекистон ССР Иқтисод комитети билан биргаликда зарар келтираётган ва паст рентабелли колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг фаолияти ва молиявий аҳволини ўрганиш ҳамда зарарсиз ишлашни таъминлашга қурби етмайдиган хўжаликларни қайта ташкил этишга доир таклифларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамасига уларни мулкчиликнинг якка тартибдаги, ижара, жамоа усулидаги ҳамда бошқа шаклларига бериш тартиби тўғрисидаги таклифларни киритиш топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мажмуаларига, барча вазирликлар ва идораларга корхоналарнинг ўзаро алоқаларини шакллантириш ва ривожлантириш, уларга моддий-техникавий ресурсларни етказиб беришни таъминлашда зарур ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ бир мақсадга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш топширилди.

Халқ хўжалиги барча тармоқларини куз-қиш даврида ишлашга пишиқ-пухта тайёрлаш зарурлигига уларнинг алоҳида эътибори қаратилди.

Жумҳурият Меҳнат вазирлигига, Иқтисод комитетига ва Давлат ҳисоб комитетига бу йил иш билан банд қилиш давлат хизмати тармоқларини, иш билан банд қилишга кўмаклашиш жамғармаларини шакллантиришни тугаллаш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш, бозор иқтисодиёти талабларини назарда тутиб, ходимларни ва иш билан банд бўлмаган аҳолини ўқитиш, энг оз миқдордаги истеъмол бюджетлари тизимларини, аҳоли даромадлари индексациясини шакллантиришни тезлаштириш топширилди.

Буларнинг ҳаммаси ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги барқарорликни ва республикада нормал ижтимоий-сиёсий вазиятни таъминлаш имконини беради.

Шу мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси республика Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетининг республика истеъмол бозорини халқ истеъмоли моллари билан кўпайтиришга доир ишини ҳам муҳокама қилди.

Вазирлар Маҳкамаси пахтачиликдаги ишларнинг аҳволини муҳокама қилди ва ғўза парваришини кучайтириш ҳамда пахта хом ашёси ҳосилини териб олишга тайёргарлик кўриш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамаси республика Адлия вазирлигининг «Эл» халқаро уюшмасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорига рози бўлди. Республика аҳолиси билан хорижий мамлакатларда яшаётган ўзбеклар ўртасида маориф, маданият, санъат, адабиёт, саёҳатчилик соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, қўшма корхоналар тузиш бу уюшманинг вазифаси ҳисобланади.

(ЎзТАГ).

## ДАЛАДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

**Шу кунларда Янгийўл консерва заводида бўлсангиз қизғин меҳнатнинг устидан чиқасиз. Корхона кун-тун тўхтовсиз бир маромда ишламоқда. Чунки район деҳқонлари далаларда ва боғларда ғарқ пишиб етилган сабзавот ва меваларни пешма-пеш заводга етказиб бермоқда. Уларни тез ва соз қабул қилиш, қайта ишлаш барча ишчи-хизматчилардан фидокорона меҳнат қилишни талаб этмоқда. Янги ҳосилдан миллионлаб консерва тайёрланди. Қўшимча ишлаб чиқарилган бундай маҳсулот миқдори шартли 600 минг консерва банкадан ҳам кўпроқ бўлди. Жамоа қўлидан чиқаётган маҳсулотлар мамлакатимизда, шунингдек Монголия, Венгрия ва Бельгия каби ҳорижий давлатларда ҳам катта муваффақият қозонмоқда. Суратларда: лаборант Азиза Латипова завод маҳсулотларини намойиш қилмоқда (чапда), томат пастаси ишлаб чиқариладиган цехда (ўнгда).**



Суратқаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ.

## Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ПИЛЛАЧИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Пиллачилик халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири эканини эътиборга олиб ҳамда тармоқ ишчилари ва мутахассисларининг Ўзбекистон ССР иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони таъсис этилсин.

2. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони тўғрисидаги Низом ва ушбу фахрий унвоннинг кўкракка тақиладиган нишон тавсифи тасдиқлансин.

3. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони таъсис этилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари тўғрисидаги Низомга қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

10-модданинг «Б» бўлимидаги «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» сўзларидан сўнг «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» сўзлари қўшиб қўйилсин;

12-модда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» бўлимидан сўнг қуйидаги мазмундаги бўлим билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пиллачи» — колхозчиларга, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишчилари, мутахассисларига, ўқув юртлари, илмий тадқиқот ва тажриба муассасаларининг ходимларига, шунингдек пиллачиликни ривожлантиришда хизматлари бўлган ҳамда шу тармоқда камида 20 йил бенуқсон ишлаган кишиларга берилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 1 август.

### ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Йигирма биринчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг VII сессияси 1991 йил 9 август куни соат 10.00 да Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят қўмитаси мажлислар залида очилади.

Депутатлар соат 9.00 дан рўйхатга олинадилар.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ РАЕСАТИ.

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

### ҲАМКОРЛИКДА — КОИНОТГА

● БУНДАН бир неча йил муқаддам Ғарбий Германия вакиллари коинотда парвоз қилиб юрган совет «Мир» станциясига Совет фуқаролари билан биргаликда парвоз қилади дейилса, кишилар буни ҳазил деб тушунишлари мумкин эди. Бироқ, эндиликда бундай парвоз оддий воқеага айланмоқда. Ю. Гагарин номидаги фазогирларни тайёрлаш совет марказининг бошлиғи В. Шаталин яқинда журналистлар билан қилган мулоқотида ҳозирга келиб, бизларнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кескин ўзгарди, эндиликда коинотни ўзлаштиришда бемалол ҳамкорлик қилишимиз мумкин, деди.

Коинотга совет фазогирлари билан биргаликда учиш учун номзод қилиб танланган Рюнхольд Эвальд ва Клаус-Дитрих Фладеларнинг тайёргарлиги энг қизғин паллага кирди. Уларнинг коинотга парвози 1992 йил мартида амалга оширилиши мумкин, деб кутилмоқда.

Бўлажак космик парвоз тижорат асосида бўлиб, Германия учун 38 миллион маркага тушади. Немислар бу харажатларнинг ўрнини тез вақтда қоплаш мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

### ПХЕНЬЯН ТАКЛИФИГА МУНОСАБАТ

● БИР НЕЧА кун муқаддам Корея Халқ Демократик Жумҳурияти телеграф агентлиги КХДЖнинг янги ташаббуси ҳақида хабар тарқатган эди. Бу ташаббус Корея ярим оролини ядровий қуроллардан холис бўлган зонага айлантириш хусусида эди. КХДЖ ташқи ишлар вазири ана шу ҳақда гапириб, Жанубий Корея раҳбариятини бу ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Сеул бу ташаббусга дарҳол муносабат билдирди. Жанубий Кореянинг расмий вакили КХДЖнинг Корея ярим оролини ядросиз зонага айлантириш тўғрисидаги таклифи унинг аввалги сиёсати ўзгарганлигидан дарак бермайди, деб айтди. Қўшни буюк мамлакатларда ядровий қуроллар мавжуд экан, КХДЖнинг ташаббуси маънисиз бўлиб қолаверади, деди Жанубий Корея вакили.

### ИСРОИЛ ЁН БОСМАЁТИР

● КЕЙИНГИ вақтда Яқин Шарқ бўйича тинчлик конференциясини чақириш муаммоси АҚШ, СССР ҳамда бошқа йирик мамлакатларнинг зиммасига катта масъулият юклай бошлади. АҚШ ҳамда Совет Иттифоқи ташқи ваколатхоналарининг раҳбарлари — Бейкер ҳамда Бессмертних неча бор учрашиб, бу чигал масалани муваффақиятли ечишга уриниб кўрдилар. Шу орада қатор араб мамлакатлари раҳбарлари ҳам тинчлик конференциясини чақириш масаласига ижобий баҳо бера бошладилар. Охирги жавоб Исроил томонидан кутилмоқда эди.

Исроил Бош вазири И. Шамир куни кеча сўзга чиқиб, Исроил босиб олинган араб ҳудудларидан ҳеч қачон кетмайди, деди. Ваҳоланки конференция олдидан бўлаётган ҳамма учрашувларда Исроил босиб олинган ерларда ўз манзилгоҳларини қуришни тўхтатиши лозим, тинчлик ана шундигина қарор топади, деган оқилона фикрлар айтилган эди. Исроил муносабати конференцияни чақириш ишини бошқа бирор кўчага киритиб қўйиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар жаҳон оммавий ахборот воситаларининг шарҳчилари.

### ҚАЙТИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

● ФИЛИППИННИНГ собиқ президенти Фердинанд Маркосининг беваси — Имельда Маркос бир неча йиллардан буён ўз ватанига қайтишни илтимос қилиб, Филиппин раҳбариятига мурожаат қилаётган эди. Президент Карасон Акино неча бор бунга рад жавоби берди. Ниҳоят, Филиппиндан янги хабар келди. Ҳозирги пайтда Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилиб турган Имельда Маркоса Филиппинга қайтиш учун рухсат берилди. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, И. Маркос ўз ватанига қайтса, дарҳол унинг устидан жиноий иш қўзғатилиши мумкин. Зотан, у ҳозиргача давлат ҳазинасини талон-торож қилишда айбланиб келинмоқда.

### ЯНГИЛИКЛАР ТЎЛҚИНИДА

● АҚШ конгрессининг сенати Роберт Страуссни АҚШнинг Совет Иттифоқидаги элчиси сифатида тасдиқлади. Собиқ адвокат, демократик партия миллий қўмитасининг раиси Р. Страусс машҳур дипломат ва халқаро ишларда ўта билағон шахс ҳисобланади. У шу йил 4 июнда АҚШ президенти томонидан шу лавозимга тавсия этилган эди.

● ХИТОЙ Халқ Жумҳурияти Бош вазири Ли Пэн жаҳон ҳамжамиятига яқинда Хитойда рўй берган табиий офат муносабати билан кўрсатилган ёрдам учун ташаккур эълон қилди. Мутахассисларнинг фикрича, ХХЖ иқтисодига 44 миллиард юань миқдорида зарар етган эди.

● 14 ВА 16 ЯШАР икки ўсмирни сигарет чекканлиги учун жазога маҳкум қилган ўқитувчи бу жазонинг ғоҳида билан тугашини ўйламаган эди. Ҳаво кирмайдиган микроавтобусга қамалган қиз ва йигит 48 соатдан сўнг ўлик ҳолда ташқарига чиқариб олиндилар.

*Мактабларда ер участкасидан қандай фойдаланиляпти?*

# ДИРЕКТОР ИШБИЛАРМОН БЎЛСА

Хизмат вазифам юзасидан кўплаб мактабларда бўлганману, лекин бунақасини кўрмаганман. Аниқроғи, бу қадар ишбилармон, уддабурон директорни учратмагандим.

Калинин районидаги Йўлдош Охунбобоев номли 8-ўрта мактабни, унинг билимдон, қилни қирқ ёрувчи директори Мақсуд Ибрагимовни райондагилар яхши билишади. Бундан 5 йил аввал у хизмат бошлар экан, дастлаб иш жойида интизомни мустаҳкамлади. Таълим-тарбияни йўлга қўйди. Ўқув самарадорлигини оширишда тажрибали муаллимларга суяниб иш юритди. Кейин кўпдан бери дилига тугиб юрган гапни ўқитувчиларга айтди. Шундан сўнг «Данак операцияси» бошлаб юборилди. Яширишнинг ҳожати йўқ, дастлаб директорнинг устидан кулганлар ҳам бўлди. Аммо раҳбар майда гапларга парво қилмади. Тўпланган данакларни мактаб ҳовлисининг бир чеккасига эктирди. Замин ўз саҳоватини кўрсатди. Орадан ойлар ўтиб данаклардан кўчатлар ҳосил бўлди. Шу-шу «операция»га барча киришиб кетди.

Бир йилдан сўнг Хасково совхози ҳисобидан бир гектар ер мактаб ихтиёрига ажратиб берилди. Ўқитувчи ва ўқувчилар кўмагида унга ишлов берилиб, мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Ишнинг кўзини билган Мақсуд ака қарз олиб бўлса-да, 11 сотих ерга иссиқхона қурдирди. Ў ерда етиштирилган турли хилдаги атир гулларни сотиб, қарздан қутилишди. Ҳатто мактаб бюджетига маблағ ҳам келиб тушди.

— Бу йил гулларимиз ҳисобидан,— дейди Мақсуд ака,— тўрт минг сўм соф даромад олдик. Боғбонимиз Шоаҳмад ака Эгамбердиев гулларни парваришлашда ўқувчиларга бош-қош. Меҳнат ҳамда касб таълими дарсларини ўқувчилар гулхонада ўтказишади.

Шу кунларда иссиқхона кенгайтирилмоқда. Унда лимонлар ўстирилади. Бунинг учун 105 тип лимон ниҳолчаси тайёрлаб қўйилган.

Мактаб ўқувчиларининг диққатга сазовор ишларидан яна бири шуки, улар бу йил 10 минг тип терак қаламчаларини экишди. Ҳозир теракларнинг бўйи бир метрга етиб қолди.

— Шу йил кузда ёки келаси йил кўкламда кўчатларнинг ҳар бирини 1—1,5 сўмдан сотса бўлади,— дейди директор.— Катта дарахт бўлганда эса тахта-ёғоч сифатида сотиб, яхшигина даромад олиш мумкин.

Мактабда 2019 нафар ўқувчи икки сменада ўқиб, билим олади. Фанлар учун махсус жиҳозланган хоналар мавжуд. Илгари мактаб биноси ўтин, кўмир ёқиб иситилар эди. Ҳозир шаҳар иситиш тармоғига уланди. Натижада қозонхона ҳамда кўмирхона бўшаб қолди. Уддабурон директор бу хоналардан ҳам фойдаланиш йўлини топди. Район ижроия қўмитасита 10 та қўй, 2 та сигир, 2 та новвос, 300 та товуқ сўраб хат ёзди. Молларга қаровчи киши тайин бўлиши билан улар олиб келинади. Тўғри-да, сут, тухум мактаб ўқувчилари истеъмоли учун берилса, қўйлар кўпайтириб сотилади. Қарабсизки, ўзўзини маблағ билан таъминлаш янада осон кечади.

— **Олинаётган даромаддан қандай фойдаланаяпсиз?**— сўрайман Мақсуд акадан.

— Маблағ, аввало мактаб биносини таъмирлаш, илғор синф ўқувчиларини мукофотлаш, саёҳатлар уюштиришга сарфланяпти. Ўзимизда ташкил этилган «Орзу» вокал-чолғу дастаси учун 7,5 минг сўмлик мусиқа асбоблари, шунингдек, спорт анжомлари сотиб олдик. Дарвоқе, ер ҳайдаш учун битта трактор ҳам харид қилганмиз.

Мактабни ҳеч бир ташкилот оталиққа олган эмас. Шундай бўлса-да, оталиқ ташкилотига эга бўлган айрим мактаблардан кўра анча яхши аҳволда.

Юқори синф қизлари Тошкентдаги «Чевар» тиқувчилик фабрикаси билан тузилган шартнома асосида бичиб тайёрланган маҳсулотларни тикиб, ойига 10 сўмдан 25 сўмгача пул олишади. Бу эса мактабга 200 сўмгача даромад келтиради.

«Маҳорат» автоҳаваскорлар клуби учун мактаб ижарага жой ажратган. Ҳар бир курсда тўрт-беш нафар аълочи ўқувчи бепул ўқитилиши билан бирга мактабга йилига минг сўмгача маблағ тушади.

Булардан ташқари мактабнинг эски биносидаги бўш жойда кулолчилик цехи очилди. Бу жойнинг ҳам ижарага берилиши ҳар тарафлама қулай ва фойдалидир.

Суҳбатимиз чоғида Мақсуд ака ойда бир марта «Мактаблар куни» ташкил этилса яхши бўларди, деди. Шу куни оталиқ ташкилотлар, хўжаликлар, район раҳбарлари мактабларда бўлиб, уларнинг шароити, камчилик ва муаммолари билан яқиндан танишиб, кўмак беришса айни муддао бўларди.

Айни пайтда ерга эга бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Ундан фойдаланиш учун асбоб-анжомлар ва бошқа кўплаб нарсалар зарур. Уларни топиш эса ҳозирги кунда осон бўлмай қолди. Ана шу масалада мактаблар ёрдамга муҳтож.

Райондаги 1-, 10-, 11-мактабларда ҳам амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Мазкур мактаб раҳбарлари ҳамда Мақсуд ака сингари ишбилармон, ташаббускор, меҳнатсевар директорлар, уддабурон ўқитувчилар ва ўқувчилар кўпроқ бўлса қанийди. Лекин афсуски...

**СУРАТДА:** директор Мақсуд Ибрагимов ўқувчилар билан мактаб гулзорида.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

# ЭГАСИЗ ҲОВЛИГА ЎХШАЙДИ

Шу райондаги 17-мактаб директори Тўхтамурод Пўлатовни учратишнинг сира имкони бўлмади. Мактабдан 5—6 чақирим нарида янги мактаб биноси қурилаётганлигини айтишган эди. Директорни ўша ердан топарман, деган ниятда қурилиш бўлаётган жойга бордим. Тополмадим. Ҳатто у киши уйида ҳам йўқ экан. Директор-ку юмуш билан юргандир, лекин мактабда бирон кимсанинг бўлмаслиги мени ажаблантирди. Бино эшигига катта қулф осилган. Мактаб ҳовлисига кириладиган дарвоза ва эшик эса очиқ. Ҳовлига сув тошиб ётибди. Сигир, бузоқлар бемалол ўтлаб юришибди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач яна ўша мактабга йўл олдим. Ҳайриятки, бу safar директорни учратиш қийин бўлмади. Район халқ таълими бўлими мудирининг муовини Абдуманноп Рамазонов билан бирга мактабга бордик.

Т. Пўлатов билан суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлдики, 1989 йил Гагарин совхози 40 сотих ерни мактаб ихтиёрига бергану кўп ўтмай бу жойни оилаларга ер участкаси сифатида бериш учун қайтариб олган.

Аввало бино ётоқхона учун мўлжаллаб қурилган бўлиб, кейин мактабга берилган. Аслида 250 ўқувчига мос бўлса-да, айни пайтда 556 ўқувчи ўқитилади. Бино атрофидаги бўш ерлар мактаб ҳисобига ўтказилган. Бироқ афсуски, мана шу ер қаровсиз ҳолда ташлаб қўйилибди. Бунинг сабабини директор қуйидагича изоҳлади: бино атрофини панжара билан ўраб, 10 сотихча ерни ўзимизга олдик. Мевали дарахтлар, беда экдик. Бироқ бу жойга сув чиқмаслиги сабабли ердан фойдаланиш имкони бўлмади. Насос ўрнатсак, бирор соат ишламай тезда қизиб кетади. Хуллас, сув келтиришнинг имконияти йўқ.

Бир қарашда директор ҳақдек туюлади. Сув йўқ. Демак, экин ўсмайди, дарахт қўкармайди, вассалом. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам иложини топиш мумкин-ку! Битта насоснинг қучи етмаса, иккинчиси, учинчисини ўрнатиш керак. Уддалолмадик, деб ўтираверган билан биров келиб эплаштириб берармиди? «Қаловини топсанг қор ҳам ёнади» деганларидек, ҳар бир муаммонинг чорасини топса бўлади. Яна шуниси ачинарлики, районда бунақанги қаровсиз мактаблар бир нечта экан. 14-(директори Альфия Буркашова), 23-(директори Оғабек Амиров) мактабларда ҳам аҳвол 17-мактабдагидан қолишмайди.

Биз мактабларга ер ажратиш ва ундан фойдаланишни яхшилаш ҳақида бежиз боғ ураётганимиз йўқ. Бозор иқтисодиёти партия, ҳукумат кўрсатаётган ёрдамга қарамай, маориф муассасаларида моддий қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари сингари маърифий ташкилотлар олдига ҳам «ўзинг учун ўзинг ҳаракат қил» деган ҳаётий талаби қўймоқда. Қолаверса, мактаблар учун ажратилган майдонлар болаларни меҳнатга ўргатиш ва унинг самарасидан баҳраманд бўлишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Шу жиҳатдан олганда 17-ўрта мактабдаги лоқайдликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундан мактаб маъмурияти, муаллимлар жамоаси жиддий хулоса чиқаришлари керак.

**Рихсиниса УСМОНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОН КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАН**

Бугунги кунда халқ депутатлари олдидаги асосий вазифалар нималардан иборат? Жойлардаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший муаммоларни ҳал қилиш учун етарлича жонбозлик кўрсатиляптими? Яна қандай имкониятлар эътибордан четда қолаяпти? Умумий ишга фойдаси тегиши мумкин бўлган имкониятларни қидириб топишда, амалий фойдаланишда депутатларнинг сусткашлиги, бепарволиги кечирилмас ҳол бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан олиб кўрилганда депутатлар фаолиятини қониқарли деб бўладими?

Йигирма биринчи чақириқ Ўрта Чирчиқ район халқ депутатлари Кенгашининг олтинчи сессияси юқоридаги саволларга жавоб топишга, энг долзарб муаммоларни ҳал қилишдаги асосий вазифаларни белгилаб олишга ҳаракат қилди.

Назаримда кун тартибига қўйилган ва муҳокама қилинган масала нафақат долзарблиги, балки муҳимлиги билан ҳам ажралиб туради.

1990 йили районда халқ депутатлари Кенгаши раёсатининг ташаббуси билан «Инсонга ғамхўрлик» дастури қабул қилинган эди. Бу дастур 1995 йилгача районда тўпланиб қолган барча муаммоларни ҳал қилишда, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришда депутатларга қўлланма бўлиши назарда тутилган эди.

Дастурдаги вазифалар қандай бажарилаяпти? Режаланган ишлар қоғозда қолиб кетмаяптими?

Муҳокама қилинган масала юзасидан сўзга чиққан, район ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Ҳ. Ж. Норқулов ўз маърузасида асосий эътиборни шунга қаратди.

Нотиқ «Инсонга ғамхўрлик» дастурини амалга ошириш ҳар бир депутатдан, у оддий ишчи ёки раҳбар бўлишидан қатъий назар чидам, ақл ва жонкуярлик талаб қилишини таъкидлаб ўтди.

Хўш, бугунгача қўлга киритилган ютуқлар ва кўз юмиб бўлмайдиган камчиликлар нималардан иборат?

Ўтган давр мобайнида тўпланиб қолган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш, турмуш маданиятини юксалтириш юзасидан анчагина ишлар қилинди. 1990 йилда 47 километр газ қувурлари фойдаланишга топширилиб, 60 километр газ ва 50 километр сув қувурлари, 500 километр электр тармоқлари ишга шай ҳолга келтирилди. 57 километр йўл асфальтланди. 1992 йилга келиб район аҳолиси газ билан тўлиқ таъминланади.

«Инсонга ғамхўрлик» дастурида режалаштирилган ишларнинг амалга оширилиши кўп жиҳатдан қишлоқ Шўроларининг амалий фаолиятига боғлиқ. Бироқ жойлардаги депутатларнинг ҳаммаси ҳам буни тушуниб етишмаган кўринади. Бу нотиқ таҳлилида аниқ кўзга ташланди.

Охунбобоев қишлоқ Шўросида жуда кўп хайрли ишлар қилинаяпти. Ўтган йили 80 ўринли чойхона, 3 миллион дона ғишт ишлаб чиқарувчи цех қурилди. 14 километр газ қувурлари тортилиб, 10 километр йўл асфальтланди. 3 та боғча қурилиши давом этяпти. 70 километр газ қувурлари тортиш, яна 10 километр йўлни асфальтлаш режалаштирилган. Бироқ, бу ишларнинг барчаси кўпроқ хўжалик маъмуриятининг сайъ-ҳаракатлари туфайли амалга ошириляпти. Афсуски, қишлоқ Шўросидаги ўртоқлар кўпроқ майда-чуйда ишлар билан банд бўлиб қолишаяпти. Бу эса аҳолининг депутатларга бўлган ишончига путур етказаяпти. Бўлмаса Бектемир қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнаткашлар оддий масалаларда ҳам ёрдам сўраб, юқори ташкилотларга мурожаат қилишаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Бу қишлоқ район остонаси, демак келиб кетувчиларда, меҳмонларда муайян фикр тўғилишига катта таъсир кўрсатиши тайин. Бироқ у ерда ободонлаштириш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун етарлича ишлар қилинмаган. Ҳаракат дастурида таълим-тарбия муассасаларининг фаолиятини давр талаблари даражасига олиб чиқиш кўзда тутилганига қарамай қишлоқдаги 58-ўрта мактаб аҳволи хароблигича қолмоқда.

Ленин қишлоқ Шўроси уларга туташ. Бироқ бу ерда аҳвол бутунлай ўзгача. «Северний маяк» жамоа хўжалигида меҳнаткашларнинг мароқли дам олиши ва меҳнат қилиши учун барча имкониятлар яратилган. Клуб, дорихона, савдо дўкони, сартарошхона, қаҳвахона, тегирмон, тиқувчилик цехи, ҳаммом, ҳунармандчилик устахонаси аҳоли хизматида. Хўжалик 80 фоиз газ ва 90 фоиз тоза сув билан тамъинланган. 140 ўринли боғча қурилаяпти. Жўзъий камчиликлар ҳам йўқ эмас, албатта. Аммо «Инсонга ғамхўрлик» дастурида кўзда тутилган вазифаларни ички имкониятлар ҳисобига бажариш мумкинлигининг яққол далили эмасми бу?

Ўртасарой қишлоқ Шўросидагилар улардан ўрнак олишса ёмон бўлмасди. Гарчи бу ерда Свердлов жамоа хўжалиги бўлишига қарамай аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш учун бирон-бир иш қилинмаган. Қишлоқ Шўросининг раиси ўртоқ Муҳаммаджонов изчил фаолият кўрсатмаяпти. Хўжалик ўзича, қишлоқ Шўроси ўзича иш олиб бораяпти. Натижа ҳам шунга яраша.

Пахтакор қишлоқ Шўросида эса «Инсонга ғамхўрлик» дастури оғишмай изчил ҳаётга татбиқ қилиняпти. 72 минг сўмлик поликлиника қурилди, 50 минг сўмга қурилган боғча фойдаланишга топширилиш арафасида, бошқа кўпгина муаммолар ҳам ҳал қилинди.

Қучлик қўрғонида темир йўл станцияси, «Сельхозхимия» районлараро базаси, ТЭБ каби йирик ташкилотлар мавжуд. Улар ички имкониятлари ҳисобига дастурда кўзда тутилган жуда кўп ишларни амалга оширишлари мумкин эди. Таассуфки, аксинча бўлаяпти. Жойлардаги масъул шахсларга ишбилармонлик, жонкуярлик етишмаяпти.

Сессияда қилинган ишлар таҳлили билан бирга келажакдаги долзарб масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Район маркази Тўйтепа шаҳрида канализация иншоотларини таъмирлаш ишлари бошланиши билан юзага келадиган муаммоларни, қийинчиликларни бартараф этишга олдиндан тайёр туриш уқтириб ўтилди. Шу билан бирга ободонлаштириш, тозалик, телефон алоқа хизматини такомиллаштириш ҳақида гапирилди.

Муҳокамада сўзга чиққан депутат З. Юсупов Терешкова номли жамоа хўжалигида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди. Хўжалик юз фоиз тоза ичимлик сув ва газ билан таъминланди, барча йўллар асфальтланди. Чойхона, ҳаммом қурилиши бошланди. Бироқ ҳаракат дастурини амалга ошириш учун кенг тармоқли ҳамкорлик зарур. Янги участкаларни электрлаштиришда тегишли ташкилотларнинг ёрдами керак, деди у.

Ўз фаолияти ҳақида ҳисоб берган депутат В. Бажонов эса район ҳарбий комиссари сифатида, ёшлар орасида хизматга яроқсизлар сони ошиб бораётгани ҳақида куюниб гапирди. Бу йил хизматга чақирилганларнинг 30 фоиздан кўпроғи ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилди. Дастурда кўзда тутилган соғломлаштириш иншоотлари, ўйингоҳлар бунёд этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Муҳокамада қатнашган баъзи депутатлар эса кўпроқ ўзлари масъул бўлган жойлардаги камчиликларни турли хил сабаблар, қурук ваъдалар билан ҳас-пўшлашга интилишди.

Умуман, депутатларнинг пассивлиги мени ажаблантирди. «Инсонга ғамхўрлик» дастурининг амалга оширилиши юзасидан қилинган маъруза жуда қизғин муҳокамага, баҳсларга сабаб бўлади, деб ўйлаган эдим. Нотиқнинг куюниб гапирган сўзлари фақат саноқли депутатларнигина жонлантирди холос.

Камчиликлари рўй-рост очиб ташланган депутатлар эса баҳона қилишга, турли хил сабабларни рўкач қилишга интилишди.

Бироқ, бутун моҳияти ўрганишга арзийдиган, бугунги кун талабларига ҳамнафас бўлган дастур ижроси, «юқоридагилар» ёрдами заминига тузилмаган-ку!

Излаган имкон топади, ҳоҳламаган баҳона, дейишади. Хайрли ишга бош бўлганлар бу сўзларни ҳаракат дастурини бажаришга асос қилиб олишса фойдадан ҳоли бўлмасди.

**Б. МИРЗАҚОБИЛОВ.**

# «ҲУРМАТЛИ» МАҲАЛЛАСИНИНГ ҲУРМАТЛИ КИШИСИ

Шундай одамлар борки, эл орасига сингиб кетганидан йўқ бўлса бир кунда ўрни билинади. Ўзлари камтарона ҳисоблаб, катта даъволар билан чиқишмгани учунми, ҳалол ва зарур хизматлари ҳам одатий ҳолдек қабул қилинади. Оддий ва самимий қилиб «Ўзимизнинг одам» дейишади улар ҳақида гапиргудек бўлишса.

Шундай кишиларнинг бири — Шукрулло ака Тўлаганов, пойтахтдаги «Ҳурматли» маҳалласида истиқомат қилади. Маҳаллада унинг номини ўзгача бир эъзоз билан тилга олишади. Ота партия, уруш ва меҳнат фахрийси. 12 йил маҳалла қўмитасига раислик қилган Шукрулло ака ҳамон жамоат ишида жонкуяр. Ҳали у ишга уринади, ҳали бу ишга. Маҳалладаги 70-ўрта мактаб жамоасига ҳам ёрдамчи. Аҳир, кўрган-кечирганларининг ўзи ўқувчиларга ибрат бўлиши мумкинда...

Уруш бошланган йили Шукрулло аканинг Ўзбекистон Компартияси МК нашриётида ҳарф терувчи бўлиб ишга кирганига кўп вақт бўлмаган эди. Тенгқурлари қатори у ҳам фронтга отланди. Бошқалардан фарқи, уни тўғри жангоҳларга эмас. Хабаровск шаҳридаги ҳарбий қисмларга сиёсий раҳбарлар тайёрлов курсига йўллашди. Сўнгра Узоқ Шарқдаги чегараларни ҳимоя қилди. 1945 йил Квантун армиясини тор-мор қилишда қатнашди. Урушдан сўнг яна севимли касбида ишни давом эттирди. 1949 йил партия чақириғига жавоб беришни бурчи деб билган Шукрулло ака, қишлоқ жамоа хўжаликларни мустаҳкамлашга отланди. Беш йил Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги Свердлов жамоа хўжалигидаги партия ташкилотига котиблик қилди.

1954 йил яна ҳарф терувчиликка қайтди. Чорак аср ишлади.

Тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказган Шукрулло ака Тўлагановнинг қисқача ҳаётий таржимаи ҳоли шу. Имконича элига хизмат қилган табаррук отахоннинг ҳалол меҳнати ва давр-ла ҳамқадам ҳаётига холис баҳо унга бўлган эъзозимиз бўлиб қолишини истардим.

**С. СУЛТОНОВ.**

*Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги*

# ЗАРОФАТ

**АЛИШЕР Навоий ва замондошлари ижодида «Зарофат» деган ибора кенг ишлатилган. Хўш, зарофат дегани нима ўзи? У арабча «зариф» сўзидан ясалган. Зариф — бу зийрак, нозик фаҳм, хуштаъб, дилкаш киши дегани бўлади. Мана шундай зариф кишилар ўртасида оддий учрашувларда, адабий мажлисларда, бошқа хил йиғинлар ва зиёфатларда бўлиб ўтадиган ҳазил-мутойиба, бадиқагўйлик, хушчақчақлик зарофат деб аталган. Навоийшунослар зарофатни аскияга ўхшатадиларки, бунда жон бор, албатта. Зеро, иккаласида ҳам ўзаро тортишувларда бадиқагўйлик қилинади, ҳар ким фаҳми-фаросати, донолиги, топқирлиги, ҳозиржавоблиги билан ҳарифидан устун келишни кўзлайди, жамоа, жўралар кулгиси эса ҳакамлик вазифасини ўтайди. Лекин шундай бўлса-да, зарофатни аския тушунчасига тенглаштириш мумкин эмас. Чунки «аския» деган атама у пайтлар умуман бўлмаган. Бундан ҳам муҳими шуки, зарофат аскиядан кенгроқ тушунча, негаки, аскиячи нуқул гап тўқиб, ҳарифини кимгадир, нимагадир ўхшатиб кулади ва кулдиради, зарофат намояндаси зарифзурафо эса гап билангина чекланмайди, кулгили шеър тўқиш, муаммо ва луғз ечиш, латифа ва ривоят айтиш йўли билан ҳам ўз зукколиги, донолигини намойиш этиб, ҳарифини кулги остига олади. Зарифлар одатда сўзга уста, ширинсўхан, айни чоқда шоир, ҳеч бўлмаганда шеъриятдан хабардор, ўқимишли кишилар бўлишган.**

**Шундай қилиб, зарофат бадиҳа услубида ижод қилиб, одамларда майин табассумдан тортиб қаҳқаҳагача бўлган кулгиларни қўзғатувчи ва шу йўл билан дидларни ўстирувчи, ақлларни пешловчи, баъзи шахсий ва ижтимоий қусурларни очиб, уларнинг бартараф бўлишига хизмат қилувчи ўзига хос ижрочилик санъатидир. Алишер Навоий даврида зарофат Хуросон ва Мовароуннаҳрда кенг ёйилган кулги, ҳажв ва ҳазил санъатининг ёрқин бир йўналиши тарзида қарор топган, тан олинган.**

**Алишер Навоий кулгини, унинг муҳим кўринишларидан бўлмиш зарофатни ижобий баҳолайди, бировнинг нуқсонини кулги воситалари билан очишни маъқуллайди, бундай кулгини рад этмасликка чақиради. «Фавоид ул-кибор»да шундай фард бор:**

**Киши айбинг деса, дам ур мағилким,—ул эрур кўзгу,**
**Чу кўзгу тийра бўлди — ўзга айбинг зоҳир айларму!**

**Аммо шоир кулги холис, ҳалол бўлиши, ўз ўрнида, ўз вақтида одоб доирасида, пурмаъно амал қилиши тарафдори бўлган, айни чоқда беҳаё, қўпол, ғаразли, бировни атайин ерга уриш, шарманда қилишга қаратилган кулгини қоралаган. «Ҳайрат ул-аброр»да ёзади:**

**Кулгики, ўз ҳаддидин ўлди йироқ,**
**Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.**

**Алишер Навоий дили ва таъби жуда нозик, юксак маданиятли, чуқур фикрловчи киши бўлган. «Алишербекнинг мизожи нозук била машҳурдир»,— деб ёзади Бобур. Шу боис шоир зарофат аҳлидан ҳам шундай нафосатни, назокатни, теранликни талаб қилган. Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида шоир ҳузурида унинг иштирокида бўлиб ўтган ва унинг дидига мос бир зарофат намунаси сақланиб қолган.**

**Кунларнинг бирида устод Беҳзод бир манзарали тасвирини ўз яқинлари билан суҳбатлашиб ўтирган улуғ амирга тортиқ қилади. Унда «гуногун дарахтлар билан қопланган бир боғ. Дарахт бутоғларида ранг-баранг товланиб турувчи ҳушсурат қушлар. Ҳар тарафда ариқлар равон ва очилган зангори гул буталари, Мирнинг марғуб сурати шундай чекилганки, бир асони тутган ҳолда турибдилар. Зар тўла тавоқлар сочиқ расми учун олдиларига қўйилган». Алишер Навоий суратни томоша қиларкан, жуда хурсанд бўлиб, завқланиб кетади ва ўтирганларга дейди:**

**— Азизлар, бу шарафлашга лойиқ саҳифа таъриф тавсифида хотирингизга нималар келур?**

**МАВЛОНО ФАСИҲИДДИН— Маҳдумлар, мен бу кўриб турганим очилган раъно гулларга қўл чўзиб, бир гул узсаму, дасторим тепасига тақиб қўйсам дейман.**

**СОҲИБ ДОРО — Менда ҳам шундай орзу бор эди. Аммо мабода қўл узатсам, дарахтлар тепасидан бу қушлар учиб кетармикин, деган андишадаман.**

**МАВЛОНИ БУРХОН — Мен мулоҳаза қилиб, қўлимни ҳам, оғзимни ҳам тийиб турмоқчиман ва ҳеч нарса демоқчи эмасман. Мабода ҳазрати Мирнинг жаҳллари чиқса, юзлари ва қошларини чимирмагайлар.**

**МАВЛОНО МУҲАММАД БАДАХШИЙ — Эй, мавлоно Бурхон! Беадаблик ва густоҳлик саналмаганда, мен ҳазрати Мир қўлларидан бу асони олиб, бошингга тушурган бўлардим.**

**ҲАЗРАТИ МИР — Азизлар, марғуб маъно дурларни териб, яхши гаплар айтдингиз. Агар Мавлоно Бурхон шундай нохуш ва ножўя қилиқ қилмасалар, хотиримга шу нарса келдики, шу сочиқ учун қўйилган табоқлардаги олтинларни дўсту ёрлар бошига нисор этсам»...**

**Аввало шуни айтиш керакки, бизгача етиб келган ушбу нозик таърифу тавсиф Алишер Навоий давридаги зарофатнинг типик кўринишларидан биридир. Шоир ҳузурида мана шундай моҳир созандани, гўзал раққосни, гўлиб паҳлавонни, чиройли боғни, антиқа кўшкни, ажойиб ҳовузни, яхши отни, бежирим қумғонни, зарҳал жомни, хушбўй шаробни терма сўзлар (баъзида байтлар) билан таърифлаб, бир-бирларини унчамунча чандиб, кўп ҳолларда майин кулги, онда-сонда қаҳқаҳа уйғотувчи зарофат кўп бўлиб турган. Албатта, шоир иштирокидаги зарофатга ҳар ким ҳам аралашавермаган. Шоир табиатини, нозик дидини билган, ўқимишли, салоҳиятли, кулгида маълум тажрибаси бор кишиларгина журъат эта олганлар. Тилга олинган зарофат қатнашчилари ҳам шундан гувоҳлик беради. Мавлоно Фасиҳиддин — Мирнинг устоди, Соҳиб Доро — шоирнинг мусоҳиби ва дўсти, Мавлоно Бурхон — шоир билан ҳар доим ҳазил-мутойиба қилиб юрадиган пешқадам зарифлардан, Муҳаммад Бадахший — машҳур латифатарош.**

**Мушоира, шатранж, кураш, чавгон билан боғлиқ ҳолда ўтадиган зарофат ҳам бўлган. Алишер Навоий зарифларнинг бундай ўзига хос тортишувларида ҳам қатнашган. Зайниддин Восифий хожа Исфаҳоний билан Мавлоно Биноийнинг шатранжбозлигини эслайди. «Ўйин асосида,— деб ёзади Восифий,— улар бадеҳа айтишди ва ғаройиб маъно дурларига зеб беришди. Улар бадеҳаси ҳажвга ўтди. Оғизларидан шунақа уятли ва чандиқ сўзлари чиқа бошладики, уларни эшитганлар тобу тоқат қилолмай, қулаверib беҳуш бўлиб йиқилаёздилар». Бунда Алишер Навоий қатнашгани даргумон. У қатнашганида, зарифлар бунчалик қуюшқондан чиқиб кетмаган бўлардилар. Бундан аёнки, бадеҳа (кулгили шеър ва луғт айтиш) шатранж ўйини олдидан, афтидан, шатранж мавзусида бўлиб ўтган ва атрофдагиларда кучли кулги қўзғотган. Бу тасодифий ҳол эмас. Зайниддин Восифий яна Хожа Гянда билан Амир Халил хонанда, Дўстий билан Бисотий ва Барноча ўртасида бўлиб ўтган шатранж ва нард ўйинларининг байт айтиш, дойра чалиб ўйнаш билан қўшиб олиб борилгани ҳақида ёзадики, зарофатнинг турли ўйинлар билан боғлиқ намоён бўлиши одат тусида экани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.**

**Умуман, зарофат икки хил бўлган. Бири — шоирлар, фозиллар ва санъаткорларнинг кичик-кичик жамоалари, гуруҳлари, дасталари ичида шароит тақозоси билан бехосдан бўлиб ўтадиган ўзаро ҳазил-мутойиба, сўз ўйинлари, қочиримлар, таъриф ташбиҳлар. Иккинчиси — тарабхоналар, боғлар, сайилгоҳлар, тўйхоналарда махсус уюштириладиган базмлар ва томошалар таркибидаги малакали сўз усталарининг чиқишлари. Дастлабки кўринишида томошабинни ижрочидан ажратиб олиш қийин, ҳар бир иштирокчи ҳам ижрочи, ҳам томошабиндир. Кейинги кўринишда эса зарофат энди малакали бир санъат сифатида намоён бўлади. Бунда, бизнинг давримиздагидай бўлмаса-да, ҳар қалай, томошабин бошқа, ижрочи бошқа. Томошабинлар ўз кулгилари, баъзи лўқмалари, хитоблари билан ижрочиларни қувватлаб, умумий томоша дастурига руҳ бағишлаб турсалар-да, зарифларнинг тортишувларига фаол аралашмайдилар. Мана шундай санъат даражасидаги зарофат кўриниши ҳам Зайниддин Восифий асарида муҳрланиб бизгача етиб келган.**

**Мавлоно Соҳиб Доро тилидан ҳикоя қилинишича, Амир Алишер Хожа Маждиддин Муҳаммадни Боғи Жаҳонорода учратиб, у ташкил этган бир мажлисда Абулвосеъ Муншининг бир тўда зарифу фозиллар билан ҳазлу мутойиба қилиб,уларни енгганини эшитганини айтиб, шундай суҳбатга мушарраф бўлиш орзусини билдиради. Мири Калон номи билан машҳур бўлган Маждиддин бундай истакдан беҳад мамнун бўлиб, бир ҳафта муҳлат сўрайди ва Ҳиротдан ярим фарсах узоқликда бўлган Парза қишлоғидаги ўзининг чорбоғида йиғинга тайёргарлик кўра бошлайди. Ундаги кўшкнинг айвони олдида гиламлар, атлас кўрпачалар тўшалади, заррин соябонлар ўрнатилади, деворларга гиламлар ва «суратли пардалар» қоқилади. Яъни ўзига хос саҳна, томошагоҳ ҳосил қилинади. 37 нафар атоқли санъаткор (ҳофизлар, созандалар, раққослар, зарифлар, олимлар) таклиф этилади. Шулар орасида зарифлардан Мир Сарбарахна, Мавлоно Бурхон Гунг, муаррих Мирхонд, Мавлоно Муъин Широзий, Мавлоно Ҳусайн Воиз, Саййид Ғиёсиддин Шарафа, Мавлоно Муҳаммад Бадахший, Мавлоно Халил Саҳҳоф, Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий Хаттог бор эди. Мавлоно Абулвосеъ Мунши мана шу тўққиз нафар зариф билан беллашмоғи лозим эди.**

**Ўз-ўзидан англашиларлики, йиғинга Маждиддиннинг кўпгина дўстлари, хешу таворлари, мусоҳиблари ташриф буюрганлар. Алишер Навоий ҳам «улуғ амирлару ҳурматли аъёнлари, хосу авом, улуғу олий зот, мўътабар аҳоли билан бирга Мирак чорбоғига» келиб тушган. Бир талай надимлар, мажлисоролар, фаррошлар, ошпазлар, ширапазлар, мулозимлар, сайислар, боғбонлар чаққон хизматда бўлишган. Мажлисга, тахминан, икки юз чоғли киши йиғилган бўлса керак, шундан қирққа яқини санъаткор бўлса, қолгани томошабиндир.**

**Зиёфат — базмда, шубҳасиз, ашулалар айтилган, шеърлар ўқилган, устод созандалар ўз куйлари билан, раққослар гўзал ва жилва ва раф торлари билан тараб аҳлини маҳлиё этганлар. Аммо томошанинг ўзаги, ўқ томирини барибир зарофат ташкил этган. Зарифларнинг Абулвосеъ Мунши билан беллашуви санъаткорлар дастурида асосий ўринни эгаллаган. Чунки йиғилишдан мурод ҳам шу эди. Алишер Навоийнинг кела солиб Мавлоно Абулвосеъни йўқлагани ҳам шундан далолат беради.**

**Соҳиб Доро ҳикоясидан Абулвосеъ Муншининг бошқа зарифлар билан беллашувини бир даража тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Тортишув муайян мавзуда борилган деб ўйлайман. Йиғиндан бир кун аввал Хожа Маждиддин Абулвосеъга мавзуга шама қилади. «Маҳдум,— дейди у,— ёрдам беринг-ку, лекин ўз вақтингиз ҳозирги ва ҳолингиз воқифи бўлинг. Наҳангсифат ҳарифлар ва аждаҳосифат зарифлар ғанимлигининг аёвсиз денгизи ва шаштининг ҳунхор мажбисига тушиб қолишингиз мумкин. Эртага сизга юзланишмоқчи. Бундайин ажойиб марака ва ҳайбатли жангга сиз асло тушмагансиз. Иншоолло яхшилик билан ўтсин». Бунда «аждаҳо» ва «наҳанг»**

# МАОШЛАРИ КЎПАЙДИ

БЕКОБОД районидаги Мавлонов номли шўро хўжалиги чорвадорлари бу йил давлатга гўшт ва сут топшириш режаларини ортиғи билан уддалаш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ярим йилдаги кўрсаткичлар бунга яққол мисол бўла олади. Давлатга режадаги 50 ўрнига 64 тонна гўшт, 408 ўрнига 509 тонна сут топширишди.

— Бу ютуқнинг гарови, — дейди бош зоотехник Муҳаммадқул Камолов, — чорвадорларга етарли меҳнат шароитини яратиб берганлигимиздир. Энг асосийси, ҳозирги шароитда уларни озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Шунинг учун фермада қўйчилик ва асаларичилик ташкил этилди. Чорвадорларга арзон нархда гўшт ва сут, асал берилмоқда. Ошиқчаси эса аҳолига сотилмоқда.

Шу туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам, моддий манфаатдорлик ҳам ортиб бормоқда. Чорвадорларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари 450—500 сўмни ташкил этяпти. Ҳозирги кунда илғор чорвадорлардан Х. Бўкабоев, Н. Қўзиев, М. Окуленко, Г. Нурмуҳаммедова, П. Мирзаевалар меҳнатда барчага ўрнак бўлган ҳолда ишлаб йиллик режаларини ҳам ортиғи билан уддалашга бел боғлаганлар.

**Х. ШАФОАТОВ.**

# ДЕҲҚОН ҚИЗИ

ХОЛИДА Алиназарова Ленин номли жамоа хўжалигининг фидойи деҳқонларидан бири ҳисобланади. У қарийб ўн йилдирки, хўжалик иссиқхонасида меҳнат қилиб, аҳоли дастурхонига бодринг етказиб бермоқда.

Жорий йилнинг дастлабки мавсумидаёқ, бу миришкор деҳқон қизи 9 сотихлик майдондан режадаги 11 ўрнига 13 тонна ҳосил олиб, барчага ўрнак бўлди. Айни кунларда илғор сабзавоткор Холида Алиназарова ўз ҳамкасблари Раъно Валиева, Муяссар Шерматовалар билан биргаликда иккинчи мавсум тараддудини кўриб меҳнат қилмоқда. Улар кейинги мавсумда бундан ҳам юқори ҳосил олишни режа қилганлар.

**Т. ЖУРАЕВ,**
**Тошкент районы.**

# ҲАЛОЛ ТЕР ТЎККАННИНГ РИЗҚИ БУТУН БУЛАДИ

МАМЛАКАТ иқтисодий танг аҳволни бошидан кечираётган ҳозирги шароитда ҳар бир киши ўз вазифасига виждонан ёндашиб, ҳалол меҳнат қилсагина вазиятни бартараф этишга ҳисса қўшиши мумкин. Чинакам меҳнат эл дастурхонини безайди, тўкин-сочинликни таъмин қилади. Хўжалигимиз меҳнаткашлари буни яхши англаб етган ҳолда маъмурчилик учун бетиним ишлашмоқда.

Хўжалигимиз ноҳиямиздаги йирик сертармоқ жамоалардан ҳисобланади. Сўнгги йилларда тармоқларни бирдек ривожлантиришга эътиборни кучайтирдик. Мақсадимиз барча тармоқ хўжаликка иқтисодий самара берсин. Қўлга киритаётган натижаларимиз дурust. Меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари — ижара ва оила пудрати амалиётга кенг жорий этилгач, деҳқонларда ерга эгалик ҳисси кучайди. Чунки деҳқоннинг ўзи фойдага ҳам, зиёнга ҳам шерик. Шу сабаб у сарф-ҳаражатни камайтириб, имкони борича даромадни кўпайтиришга интилади. Пахта, маккажўхори дони, пилла, чорвачилик каби маҳсулотлар етиштириш салмоғи йил сайин ортиб бормоқда. Биргина ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш ҳисобидан хўжалигимиз 11 миллион 672 минг сўм даромад олди. Соф даромадимиз эса 2 миллион 241 минг сўмни ташкил этди. Йил якунида меҳнаткашларга 1 миллион 321 минг сўм мукофот пули берилди. Етакчи соҳалардан бири — пахтачилик. Азамат пахтакорларимиз 3167 гектар майдонда ҳар йилгидан мўл пахта ҳосили етиштириш ниятида меҳнат қилмоқдалар. Ғўза парвариши айни кунларда янада қизғин олиб борилмоқда. Суғориш, қатор ораларига ишлов бериш, чилпиш каби муҳим агротехник тадбирлар бирбирига боғлиқ ҳолда ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда ҳар туп ғўзада 7—8 тадан кўсак, 10—12 тадан ҳосил нишоналари бор. Абдулла Астроқулов, Раҳмат Мирзақулов, Маъруфжон Азимов, Одил Шодибеков бошлиқ бўлимларда олиб борилаётган дала ишлари намунали бўляпти. Роқижон Мадризаев, Эгамназар Эгамбердиев, Саттор Мадаминов, Суннат Хўжанов, Ғаппор Анорбоев, Юсуф Нишонов, Марҳамат Искандарова бошлиқ бригадалар пахтакорлари пахта ҳосилдорлигини 33—35 центнерга етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Далаларда тўпланаётган ҳосил тугунчалари ҳам кишини севинтиради. Пахтакорларимиз бу йил режадаги 9100 тонна ўрнига камида 10 минг тонналик юқори навли пахта хирмони бунёд этишга аҳд қилишган.

Пахта йиғим-терими тобора яқинлашаётган шу кунларда мавсумга тайёргарлик қизғин тус олган. Ғўза дефолиациясини мавжуд 18 та ОВХ-28 пуркагич механизмлари билан беш-олти иш кунида ҳосилнинг камида 65—70 фоизи очилганда ўтказиш чораларини кўраяпмиз. Ўтган йили ҳар бир терим агрегати билан ўрта ҳисобда 149,8 тоннадан ҳосил териб олинган эди. Механик-ҳайдовчиларимизнинг бу йилги кайфияти, руҳи янада кўтаринкидир. Жумҳуриятимиз партия-ҳукуматининг кўрсатмасига асосан яқинда 1990 йил пахта терими мавсумида терим агрегатлари бункеридан 150 тоннадан ошириб пахта терган 21 механик-ҳайдовчи енгил автомашина билан мукофотланиши учун тавсиянома берилди. Мукофотга тавсия этилганлар орасида ғўза қатор ораларига ишлов беришда жонбозлик кўрсатаётган Нарзулла Каримов, Валижон Исроилов, Шоим Қодиров, Қурбонали Худойбердиев, Ботир Икромов, Шомурод Соипов, Минур Хабибулин, Неъмат Бобоқулов, Турғун Назаров кабилар борлиги билан фахрланамиз. Моҳир механизаторларимиз бу йил режадаги пахта ҳосилининг ҳаммасини пўлат этаклар ёрдамида териш мажбуриятини олишган. Бунинг учун улар 66 та терим машинаси, 303 та пахта ташиш тележкаларини қайта-қайта кўздан кечирмоқдалар. Шубҳасиз, бу йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан қисқа муддатда амалга ошириш имконини беради.

Ҳозир далаларда деҳқонларимиз қишлоқ хўжалигининг барча турлари бўйича мўл-кўл маҳсулот етиштириш иштиёқида тер тўкишяпти. Силос ўрими ниҳоясига етай деб қолди. Эрта-индин маккажўхори дони ўрим-йиғими бошлаб юборилади. Бу йил буғдойзорлар бир мунча кенгайтирилди. 50 гектар майдонга шоли экилди. Мақсад аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ва эҳтиёжини тўлақонли таъминлашга кўмаклашишдир. Шу мақсадда 40 гектар янги боғ ташкил этдик. Жумҳурият Президентининг қишлоқ аҳолиси манфаатларини кўзлаб чиқарган фармонлари хўжалигимиз меҳнаткашларини бениҳоя қувонтирди. Янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди. Мазкур фармонларнинг ижроси хўжалик маъмурияти, партия ташкилотининг доимо диққат-эътиборида бўлиб келаяпти. Меҳнаткашларга томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратилмоқда. Шахсий хўжаликлардаги чорва моллари ем-хашак ва ширали озуқа билан таъминланмоқда. Ҳар бир хонадон ҳисобига 100 килограммдан буғдой берилди. Мойжувоз, тегирмон ишлаб турипти. Ҳар йили ўрта ҳисобда 21—25 хўжалик ҳовли тўйлари ўтказяпти. Меҳнаткашларнинг ўрта мактабда ўқиётган фарзандларини бепул нонушта билан, аълочи ўқувчиларни стипендия билан таъминлаш яхши йўлга қўйилган. Пахтакорларнинг меҳнатини енгиллаштириш, ҳосилни тўла сақлаб қолиш мақсадида биолаборатория ишга туширилгани айни муддао бўлди. Ғўзалар соғлом ўсяпти.

Консерва цехи, 420 ўринли янги мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси, вилоят тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари учун профилакторий қурилиш ишлари қизғин олиб бориляпти. Совхоз ишчиларининг турмуш шароитини яхшилаш учун ҳар бир бўлимда чойхона, новвойхона ишлаб турипти. Совхоз марказида болалар шаҳарчаси, чўмилиш ҳавзаси ёшлар билан доим гавжум. Жисмоний соғломлаштириш комплекси ишга тушгач, бу ер янада гавжум бўлади. Уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондиришда ғишт заводимиз ишчи-хизматчиларининг хизмати эътиборга лойиқ бўлмоқда. Улар бу йил 1.5 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш ниятидалар. Яна бир қулайлик: соат-телевизор, холодильник устахоналари ишга туширилди. Аёллар ҳамда эркаклар сартарошхоналарини ишга тушириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бу йил 8 километр узунликдаги масофага водопровод суви ўтказилди. Қишлоқ кўчалари асфальтланди. Кўпчиликнинг таклиф-истакларини инобатга олиб совхоз уйларини амортизацияси ҳисобдан чиқарилиб, арзонроқ нархда шахсий хўжаликларга бериляпти. Шунинг ҳисобига янги кўримли уйлар қуриш кўлами кенгаймоқда.

Келгусида амалга оширишимиз керак бўлган режаларимиз ҳам талайгина. 1991 йил 140 минг сўм иқтисодий фойда келтирган парник хўжалигини янада кенгайтирамиз. Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида кўзги буғдойзорларни 200 гектарга етказамиз. 18 гектар баҳорги ерларга сув чиқариб, эртаги сабзавот ҳосили етиштирамиз. Сут-товар фермаси қошида жўжа очириш учун инкубатория, бўрдоқичилик базаси қурилиши бошлаб юборилади. Марказий созлаш устахонаси хўжаликларга шартнома асосида мойжувоз, тегирмон қуришда ёрдам беради. Ирригация бўлимини кенгайтириб, қўшни хўжаликларда ҳам ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини тозалашга кўмаклашиш ниятидамиз. Янги 20 гектарлик мевазорда дарахт кўчатлари етказиб, хўжаликларга сотиш каби ишларни режалаштириб қўйганмиз. Бундан кейин ҳам ички имкониятларимизни излаб топиб, даромад манбаларини кўпайтириш йўлларини излайверамиз. Бир сўз билан айтганда ҳалол тер тўкиб меҳнат қиладиган халқимиз ризқи доимо бутун бўлишлиги учун ҳаракат қиламиз.

**Шавкат КАРИМОВ,**
**Оққўрғон ноҳиясидаги С. Сегизбоев номли давлат хўжалиги директори.**



● Илғор сут соғувчи Ирина Беквиполь.

● Бузоқбоқар Муқаддас Хожибоева.

Е. ҲАЙТБОЕВ суратлари.

# • ОҲАНГАРОН НОҲИЯСИДА

### ШОЛИ ҚИЁҚҚА КЕЛДИ

Жуда кўп йиллардан бери унутилиб кетган ноҳия хўжаликларининг шолипояларига бу йил яна шоли уруғлари сепилди. Ноҳиядаги «Оҳангарон», Ворошилов номли ва «Олмалиқ» давлат хўжаликларида шолилар қиёққа келди. Уларни тажрибали шоликорлар Жамол Файзиев, Қаҳҳор Маматов, Мўмин Йўлдошев, Абдуроҳат Қодиров ва бошқалар парвариш қилмоқдалар.

Бу ерда бир вақтлар кўпчиликка донғи кетган «Қурама гуручи», «Теловнинг шолиси», арпа шоли сингари серҳосил навларни яратиш, уларни излаб топиш устида ҳам фаол ҳаракат бошланган.

### ҚИШЛОҚДА МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ

Қишлоқ меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида ноҳияда янгидан 5 та қишлоқ маълубот жамиятлари ташкил этилди. Шу муносабат билан энди меҳнаткашлар барча озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллларини бевосита қишлоқ дўконларидан харид қилиш имкониятига эга бўлдилар.

### ИШЧИЛАР БОЗОРЧАСИ

Ноҳия марказида янгидан қурилган ишчилар бозорчаси ҳар куни эрталаб ва кечқурун — ишчиларнинг ишга бориши ва ишдан қайтиш пайтларида одамлар билан гавжум бўлади. Саноат ва қурилиш корхоналарининг ишчилари энди ишдан келиш пайтида катта бозорга бориб овора бўлмайдилар. Бу ерда ҳар куни сабзавот маҳсулотлари ва бошқа кундалик эҳтиёж моллари сотилмоқда.

### ЭСКИ МАСЖИД ТАЪМИРЛАНДИ

Телов қишлоғидаги эски Номазгар масжиди бундан икки юз йиллардан кўпроқ вақт илгари қурилган эди. У сўнгги етти йил мобайнида гоҳ колхоз омборхонаси, гоҳ мактаб ўқишхонаси, гоҳ савдо бўлими омборхонаси бўлиб келса ҳам ҳеч ким уни таъмирламади. Масжид тобора нураб борарди.

Теловдаги нон заводининг бошлиғи Акром Қўшназаров масжид биносини ўз шахсий жамғармаси ҳисобига таъмирлади.

**М. ҚАЮМОВ.**

# БАХТИНИ ПИСКЕНТДА ТОПДИ

Рая Тошкентга уруш пайтида эвакуация қилинган эди. Аввалига у шу ерда колхозда ишлади. Кейинчалик Пискентдаги алоқа бўлимига ишга кирди. Шу ерда ўзбек тилини ўрганди. Тақдир бўлиб Рая ўзбек йигити Жалил Ҳолиқов билан турмуш қурди. Шундан сўнг у Осавиахимга келиб командир-ўқитувчи бўлиб иш бошлади. Фарзанд кўрди. Ўғли Валижон ҳозирда Пискент ДОСААФ спорт-техника клубида амалий таълим устаси бўлиб ишлайди.

Раиса Васильевна пенсия ёшига етганда ҳам ишини ташламади. У мудофаа жамиятида мана 46 йилдан бери ишлаб келади. Яқинда Раиса Васильевна Ҳолиқова Пискент район ДОСААФ қўмитаси раиси лавозимига тайинланганининг 40 йиллигини нишонлайди. Биз кекса ходимани табриклаб, ишида ва шахсий ҳаётида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**С. КАМОЛОВ.**

# ЁНҒИНДАН МУҲОФАЗА ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Автомобиль дудбуронидан учиб чиққан арзимас учқун, эҳтиётсизлик билан ташлаб юборилган папирос қолдиғи, ёқилган ва қаровсиз қолдирилган гулхан ҳамда болаларнинг ўт билан шўхлик қилишлари туфайли катта миқдордаги қуруқ ўтларнинг ёниб кетиши ёз пайтида тез-тез учраб турадиган ёнғинларнинг асосий сабабчисидир.

Булардан ташқари, таътилда бўлган болалар турар-жойларнинг болахоналари ва ертўлаларида ўзига хос кўпдан-кўп «кашфиётлар» ўйлаб топадилар ва хилма-хил «штаб»лар ташкил этадилар. Яширинча папирос чекадилар, ўт билан қандайдир бир тажриба ўтказадилар. Агарда бунга жойларда йиғилиб қолган катта миқдордаги эски мебеллар, ахлат ва бошқа чиқинди хирмонларини қўшадиган бўлсак, у ҳолда ёнғиннинг тез тарқалиши хавфи юзага келишини тушунтириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Шунинг учун **Тошкент вилояти ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан муҳофаза бошқармаси ва Тошкент вилояти кўнгилли ўт ўчириш жамияти барча фуқароларга ва манфаатдор раҳбарларга қуйидагиларни**

## ТАКЛИФ ЭТАДИ

— Уй-жой қурилишлари атрофидаги ва халқ хўжалиги объектлари ҳудудидаги қуриган ўтларни ўриб олиш;

— Ёнувчи ахлатларни ўз вақтида ташиб кетиш;

— Гугурт ўйнаётган, ўт билан шўхлик қилаётган ёки қурилишларга яқин ерда гулхан ёқаётган болалар ёнидан лоқайдлик билан ўтиб кетмаслик;

— Биноларнинг болахоналари ва ертўлалари эшикларини қулф солиб беркитиб қўйиш;

— Ота-оналарнинг ўз болаларига ўт билан шўхлик қилишнинг хавф-хатари ва бундай ўйинларнинг нохуш оқибатлари ҳақида тушунтиришлари;

— Чекиш пайтида эҳтиёткорлик чораларини кўриш.

Ана шу энг оддий тадбирларга риоя этиш ёнғин чиқиши эҳтимолини чеклайди ва сизни юз бериши мумкин бўлган фалокатлардан сақлайди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИНИНГ ЕНҒИНДАН МУҲОФАЗА БОШҚАРМАСИ. ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.**

сўзлари ишлатилмоқда, бундан Маждиддин бўлғуси зарофат йиртқич ҳайвонлар мавзусига бағишланишини истаган деб ўйлаш мумкин. Абулвосеънинг мажлисга кириб келиши ва дастлабки гапи шу фикрни тасдиқлайди.

Маждиддин дарбозага атайин Шер исмли бир баланд бўйли, савлатли хизматкорини қўйиб, Абулвосеъ кўринса, дарҳол киртма, йўлини тўс, жаҳлини чиқар, деб тайинлайди. Чинданам Абулвосеъ кўриниши билан Шер қўлида асо унинг йўлига кўндаланг бўлади. Абулвосеънинг жаҳли чиқиб, уни хожасига қўшиб боплаб сўкади. Шер ҳам бўш келмайди. Абулвосеъ Шернинг ҳалқумига туширади, Шер Мавлонинг ёқасидан олиб, дасторини ерга туширириб юборади. Жанжал хабари етиб, мажлис аҳли гуррос кула бошлайди. Абулвосеъ шу алфозда мажлисга кириб келади. Амир Алишер ўз ёнидан унга жой беради. Маждиддин воқеадан бехабар одамдай жўрттага дейди:

— Маҳдум, мулозимлар сизнинг боғ эшигига ташриф буюрганингизни хабарини айтишганига қанча муддат, қанча фурсат бўлди. Нима, у ерда тўхтаб қолдингизми?

Мавлоно дейди:

— Ори, боғ эшигига сизлар қўйган итсифат, хукниход, ҳирс—табиат бир Шерча бизга тишини кўрсатиб, шоғолдек кириллади. Бизнинг қоплон қаҳримиз ғазаб чангалини шердек унинг қонини тўкиш учун узатган эди. Маълум бўлиб қолдики, бу найранг сизларники экан.

Абулвосеъ қанчалик жаҳли чиққан бўлмасин, Маждиддиннинг саволига пайровдан чиқмай жавоб беради. Яъни кичик бир жавобда «ит», «тўнғиз», «айиқ», «шер», «шоғол», «қоплон» деган йиртқичларни тилга олади. Дарвозабон Шерни итга, тўнғизга, айиққа, шоғолга ўхшатса, ўзини қоплон билан шерга қиёс қилади.

Шундан кейин ҳар томондан Абулвосеъга ҳужум бошланади. Аввало Хожа Маждиддин сўз отади. Абулвосеъ уни бир чўқишда қочиради. Шундан сўнг Мавлоно Биноий, Ҳалил саҳҳоф, Мавлоно Ҳожи ҳаттот, Шоҳ Муҳаммад Мирак, Алишернинг бир мусоҳиби ва бошқалар унга бир-бир ташланадилар. Абулвосеъ барчасини мот қилади. У ўз жавобларини белгиланган мавзуда олиб борган деб ўйлайман. Алишер Навоийни хурсанд қилган жиҳат ҳам шу бўлса керак. Шоир Абулвосеънинг елкасига қўлини қўйиб: «Ҳой, танҳойи замона! Сендай бир олийҳиммат кимса фозилларнинг мажлисларига ва қудратли султонларнинг йиғинларига бир умр хизмат қилаверсин»,— дейди. Шундан кейин Абулвосеъ зарланган эгар-жабдуқли, олтин узангили ўнта тўпчоқ, йигирмата мовут чакмон ва ўн минг танга пул билан мукофотланади.

Алишер Навоий даврида турли йиғинлар ва мажлисларда ҳазил-мутойиба қилувчи, ранг-баранг кулгили шеър тўқиб, гап айтиб бир-бирини чандувчи зарифлар сон-саноқсиз бўлган. Ҳофизлар, созандалар, масхаралар, муқаллидлар, раққослар ҳам кези келганда зарофатга қўшилиб кетганлар. Аммо шулар орасида Паҳлавон Муҳаммад, Мавлоно Абулвосеъ мунши, Мир Сарбарахна, Мир Муртоз, Хожа Аҳмад Мужаллид, Муҳаммад Бадахший, Дарвеш Шуҳудий, Шайх Баҳлул, Соҳиб Доро, Хожа Деҳдор ўз малакалари, маҳоратлари билан алоҳида ажралиб турганлар. Кўплари Алишер Навоийга энг яқин, унинг мусоҳиби ва дўсти сифатидаги кишилар бўлиб, шоир дилининг нозиклиги ва дид-фаросатининг юксаклигини яхши билиб, шунга яраша ҳазил-мутойиба қилиб, хизматларини бажариб юрганлардандир. Улар ҳақида манбаларда анча-мунча далиллар, таърифлар сақланиб қолган.

Алишер Навоийга яқин зарифлардан бири Хожи Деҳдордир. Ўз даврининг энг қобилиятли кишиларидан: қиссагўй, латифагўй, муқаллид, Қуръонни ёддан ўқувчи кучли ҳофиз, зеҳни ўткир зариф. Шу боис у аввалида Султон Абусаид, сўнг Ҳусайн Бойқаронинг, ҳазрати Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг мусоҳиблари қаторидан ўрин олган. Мирхонд ўзининг «Равзат ус-сафо» асарида Хожа Ғиёсиддин Муҳаммад Деҳдорни «фаросат ва закийлик камолоти бобида асрининг тенгги йўқ сўз амоли ва латифагўйлари сардори ҳамда ҳамиша ҳазломуз сўзлар ва хурсандчиликни қўзғатувчи мутойиботлар сайқали билан подшоҳнинг ҳумоюн хотири ойнасидан хафалик зангини кетказувчи»,— деб таърифлайди.

Ҳазрати Навоий мусоҳиблари орасида Мавлоно Юсуф Бадеий, Мавлоно Сафоий, Мавлоно Гадоий, Мир Сарбарахна деган бир саф асли андижонлик шоиру фозил кишилар ҳам бўлган. Улар зарофат мажлисларида туркигўйлик қилишган. Шулардан бири Мир Сарбарахнадир. Бу — унинг лақаби, асли исми-шарифи Саййид Шамсуддин Муҳаммад. Алишер Навоийнинг «иноятн ва тарбиясида» у садрлик лавозимига эга бўлади. Шоир унга шундай баҳо беради: «Хуш табъ ва хушмашраб ва хуш суҳбат ва ширин калом кишидур... Ғоят шўх таъблигидан тирзиқ айтмоқ қоидасин Мир пайдо қилди. Бовужуди бу гоҳ-гоҳ яхши тирзиқлар ҳам новиш қилурлар...» Хондамир ҳам уни юқори баҳолайди: «Феълининг хушлиги, сўзларининг мулойимлиги, фаҳмининг тезлиги ҳамда зеҳнининг ўткирлиги билан замон фозиллари ва даврининг зийрак кишилари орасида тамом ажралиб туради. Ҳамма вақт сўзлари ширин ва маъноли, ҳикоятлари пўзал, суҳбатлари ажойиб ва ғаройибдур».

Улуғ шоирнинг назари тушган зарифлардан яна бири Мир Муртоздир. Ўткир билимдон бўлганидан шу лақабга эга бўлган. Асл исму шарифини А. Навоий ҳам эсламайди. Ҳиротнинг «зариф ва шўхлари» унга Вали шалони деган яна бир лақаб берганлар. Бу масхара авлиё деганн бўлади. Донишманд, шоир сифатида меҳр билан тилга олган А. Навоий Мир Муртознинг шалойинлигини шундай изоҳлайди. «Чун баҳсда лажожи кўп эрди: анинг била ҳар ким масала баҳс қилса эрди, мулзам бўлмагунча қутулмас эрди, балки мулзам бўлса ҳам».

Асли Қундузнинг Ашкмиш шаҳридан бўлган, Самарқандда таҳсил кўрган, Алишер Навоий мулозаматида 30 йилдан ортиқ яшаган Мавлоно Муҳаммад Бадахший ҳам замонасининг ўткир зарифларидандир. Хондамир унинг ҳақида: «Боғоят хушсуҳбат, ширин сўз, хушчақчақ, дарвишваш, хушхулқлик, латиф табъ ва фозил киши»,— деб ёзади.

Кўп йиллар Алишер Навоий қабатида бўлиб, унга шаҳарда рўй берган ажойиб-ғаройиб ҳодисаларни ҳикоя қилиб берувчи яна бир зариф — бу мумтоз мулозим Мавлоно Фасиҳуддин Соҳиб Дородир. Хондамир уни «ажойиб қасидалар назм қилишда, муаммолар айтишда балоғатли ва тенгги йўқ. Надимлик шеваси-ни ҳамда суҳбат қуришни яхши билади», деб ёзади.

Яна бир киши ҳақида маълумот бериш зарур, менимча. Бу киши Паҳлавон Муҳаммаддир. Алишер Навоийнинг унга меҳр-муҳаббати жуда зўр. Шу боис «Мажолис ун-нафоис»да маълумот бериш билан чекланмайди, унга атаб махсус «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарини ҳам яратади. Алишер Навоий, Зайниддин Восифий иншоларидан Паҳлавон Муҳаммаднинг яхши шоирлиги, кураги ерга тегмаган полвонлиги, мунажжимлик, тиб ва ҳикмат, фиқҳ илмидан яхши хабардор олим, ҳакимшева киши эканини билиб оламиз. «Қирқ йилга яқин бу фақир била мусоҳиби жоний ва маҳрами рози ниҳоний эрди»,— деб ёзади шоир. Ҳусайн Бойқаро замонида Неъматобод деган жойда ўз такъяхонасида юзта полвон—куштигир, ўн-ўн беш чоғли созанда-хонанда сақлар, керак бўлганда, бошқаларни ҳам, жумладан зарифларни, атрофдан таклиф қилар ва томошалар кўрсатар эди. «Барча содот ва машойих ва уламо ва фуқаронинг маҳбубул — қулуби эрди,— деб ёзади А. Навоий,— ва подшоҳ эшигида аркони давлатдин олийшон беклар ва олиймакон ичкилар ва судур ва сойир ҳалойиқга Паҳлавоннинг суҳбати наврўз ва байрамча бор эрди, ҳаттоки султонзодалар тиламас эрдиларким, бир лаҳза онсиз бўлғайлар эрдиким, подшоҳзодалардин нечаси муътамад отланиб, Паҳлавоннинг такъясига бориб, суҳбатлиғе қилғайлар эрди. Ул даги борчасига лойиқ хизматлар қилиб, суҳбатлар тузатиб, неъматлар тортиб, созандалиғ ва гуяндалиғ буюриб, самоъ ва раҳс қилиб, аларни хушҳол ва мунбасит узотур эрди... Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳлуллодин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди».

Бундан аён бўладики, замонасининг мумтоз ва беназир кишиларидан бири бўлган, туркий ва форсий тилларини пухта билган Паҳлавон Муҳаммад хоҳловчиларнинг таркибига қараб томошалар дастурини тузувчи, уларни ташкил этувчи ва ўтказувчи надим, санъатпарвардир. У фақат Неъматободда эмас, Боғи Жаҳонорода, Боғи Зоғонда, Боғи Дилкушода, Чилдухторонда, шаҳардаги тарафхоналарда ҳам томошалар уюштирган деб хабл қилса бўлади. Шунда у куй, ғазал, рақс, кураш намойиши билан бирга зарофат беллашувларига ҳам етарли эътибор бергани, шубҳасиз.

Алқисса, зарофат Алишер Навоий даврида Хуросон ва Моваруннаҳрда турли-туман шаклларда тараққий топган ва малакали санъат даражасига кўтарилган антиқа маданий ҳодисадир. Зариф, ҳаззол, шўх деб аталган бундай ижрочилар ўз чиқишлари билан жамиятнинг турли табақалари маданий ҳаётида муносиб ўрин эгаллаган. Равшанки, Навоий даври зарофати шу соҳада мавжуд анъаналарни давом эттирган, бойитган ва ривожлантирган. Алишер Навоийнинг шахсан ўзи зарофат ривожига катта ҳисса қўшган. Бу давр зарофатининг кўпгина фазилатлари кейинги асрларда ҳам яшаб келган. XIX асрда Фарғона водийсида кенг тарқалган ва бизнинг замонамизгача улоқни олиб келаётган аския санъати ўша Алишер Навоий зарофатининг неъмати бўлса ажаб эмас.

**Муҳсин ҚОДИРОВ,**
**санъатшунослик доктори, профессор.**

# МУРМАНСКДА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ Олий Кенгаши халқ нойибларидан иборат делегация иштирокида Мурманск диёрида Ўзбекистон ССР маданият кунлари бўлиб ўтди. Меҳмонлар Оқ ва Баренц денгизлари ўраб турган ҳудуддаги Қизил байроқли Шимолий Флот қўмондонлигига қарашли ўзбек ўғлонлари денгизчилик хизматини ўтаётган «Совет Иттифоқи флоти адмирали Горшков» авианосецида бўлиб, кема раҳбарлари, офицерлар ва моҳир денгизчилар билан учрашдилар, уларга серқуёш диёримиздан олиб борган совға-саломларини топширдилар, ўзбек санъаткорлари эса ўзларининг энг яхши куй-қўшиқ ва рақсларини ижро этдилар.

Кема командири Е. М. Соломенцов, Ўзбекистон ССР халқ нойби В. Ниёзматов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, СССР халқ нойби, атоқли шоир Абдулла Орипов ва бошқалар денгизчилар ҳузурида сўзга чиқиб, мамлакатимизнинг шимолий сарҳадларини кўз қорачиғидай қўриқлаётган Ватан ўғлонларига ўзларининг энг яхши ниятларини изҳор қилдилар.

Шундан сўнг делегация аъзолари гуруҳларга бўлиниб, бир қатор жанговар кема ва қисмларда меҳмон бўлишди. Уларни ҳамма жойда йигитлик бурчини ўтаётган ўзбек ўғлонлари қучоқ очиб қарши олдилар. Улар она-юртимизда айни кунларда амалга оширилаётган ишлар, ота-она ва яқин қариндошларининг ҳаёти билан қизиқдилар, ўзларининг ҳарбий бурчларини қандай ўтаётганликлари ҳақида зўр ҳаяжон билан сўзлаб бердилар.

Жумҳуриятимиздан бир неча минг километр олислиқдаги шимол ўлкасида шоду хуррамликлар билан ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари меҳмонлар ва мезбонларда зўр таассурот қолдирди. Денгизчилар қизиқарли, айни кунларда ғоят зарур бўлган бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш лозимлигини таъкидладилар, ўз юртларига дуо силомларини йўлладилар.

СУРАТЛАРДА: Мурманск вилоятида ўтказилган ўзбек маданияти кунларидан айрим лавҳалар.

Суратқаш Ф. ҚУРБОНБОЕВ. (ЎзТАГ).



# Амир Темур ўтган йўллардан

Ўтган йили «Ёш ленинчи» рўзномаси ташаббуси билан «Жайхун» экспедицияси тузилган эди. Экспедиция Орол бўйлаб сафар қилиб, бир қанча тадбирларни амалга оширган эди. Яқинда ёшлар рўзномаси яна бир хайрли ишга қўл урди. Бевосита унинг раҳбарлигида «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» мунтазам илмий экспедицияси тузилди. Экспедицияни тузишдан мақсад ўзбек халқи ўтмишига яна бир назар солиш, меросимизни ўрганиш ва уни ёшларга тўғри тушунтиришдир.

Турли касбдаги кишилардан ташкил топган экспедиция кеча олис сафарга йўл олди. Бу йил у асосан жумҳурият бўйлаб кезади. Келаси йили эса халқаро экспедицияга айлантирилмоқчи.

Экспедиция жўнаши олдидан пойтахтнинг Ленинград кўчасида митинг бўлди. Унда иштирок этган Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Носиров, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг раиси Л. Кабиров, «Правда Востока» ва «Тошкент ҳақиқати» рўзномаларининг муҳаррирлари Р. Сафаров ҳамда Н. Насимовлар экспедиция сафарига оқ йўл тиладилар.

Ш. ОБИДОВА.

# ҚАЙТАР ДУНЁ

*(ҚАТРА)*

ИРОДА йўл четидан оҳиста қадам ташлаб борар экан, рўпарасидан келаётган йигитга кўзи тушди. Бу йигитчани у деярли ҳар доим учратарди. Ҳар учратганда бундан анча йиллар муқаддам бўлган воқеа ёдига тушаверарди. Болалигида бўлгани учунми ҳеч ёдидан чиқара олмасди...

Ирода 4-синфни битириш арафасида. Ҳадемай имтиҳонлар бошланади. Шу кунларда у жудаям ҳаяжонда. Нега ҳаяжонланмасин, ахир ҳаётида биринчи марта имтиҳон топширади-да...

Шундай кунларнинг бири. Синфдаги ўқувчилар имтиҳонга ўзаро тайёрланишарди. Ирода қўнғироқ чалинганини ҳам, синфга ўқитувчи кириб келганини ҳам сезмай қолди.

Шу пайт ўқитувчи опасининг:

— Эй, пакана, ўтир жойингга!— деган сўзларини эшитиб қолди. Бу сўзлар шу қадар заҳархандалик билан айтилдики, Ирода иложсиз жойига бориб ўтирди. Жойида ўтирарди-ю, қулоғига ҳеч нарса эшитилмасди. Тўғри, унинг синфдошларига нисбатан жуссаси кичкинагина эди. Ахир... у шундай дейиши керакмиди? Керакмиди бутун синфдошлари ўртасида уялтириши? Иродани ўқитувчиси айтган ўша сўзлар унинг мурғак қалбига оғир юк бўлиб ортилди...

Имтиҳонга бормади. Онаси сабабини сўраганда, «озод қилинганман» деб ёлғон гапирди-ю, қийналиб кетди. Кейин ҳаммасини онасига айтиб берди. Шунда онажониси ғайри табиий оҳангда «Айб сенгинадамиди-а, болам. Майли худо бор», дея бағрига босиб-босиб, кўзларидан шашқатор ёшларини оқизаверди. Она йиғидан, фарзанд эса кичкина кафтлари билан онасининг кўз ёшларини артишдан тийилмасди.

Шу воқеа бўлган йили меваси нишона бўлган ўрик бу йил 10-марта ҳосил берди. Ҳа, онаси айтганидек ҳаммаси ўтиб кетди. Ирода шунча йиллар давомида ўқиди, ўзига ёққан касб эгаси бўлди. Лекин барибир худди ўша ўқитувчиси айтган ҳақоратомуз сўз ҳеч ёдидан кўтарилмасди. Ҳар кеч ишдан қайтаётганда учратадиган ёшига нисбатан бўйи анча паст бу чиройли йигит ўша аёлнинг ёлғизгина ўғли эди...

Муҳайё ШАРИФЖОН қизи.

# ТАЖРИБА АЛМАШИШ МАҚСАДИДА

Ҳозир савдо соҳасида шундай вазият вужудга келдики, энди шоҳобчалар ва дўконлар тайёр маҳсулотни сотишдан кўра кўпроқ тақсимлаш ишлари билан машғул бўлиб қолдилар. Бироқ айнан тўғри тақсимлаш, харидорларни ортиқча куттириб қўймаслик ҳам осон эмас. Аҳолидан тушаётган шикоятлар ҳам бу фикрни тасдиқлаб турибди. Бироқ тақсимлаш соҳасида ибрат кўрсатаётганлар ҳам йўқ эмас. Ана шу савдо дўконлари ишини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги жумҳурият семинар-йиғинини ўтказди. Бунинг учун пойтахтнинг Куйбишев, Собир Раҳимов, Чилонзор ва Октябрь районларидаги дўконлар мисол қилиб олинди.

— Аввалларидан бизнинг дўконимиз савдони яхши уюштиролмагани учун харидорлар нолишарди,— дейди шаҳар марказида жойлашган «Дарҳон» дўконининг директори Ҳабибулла Норматов.— Биз танқидлардан ўзимизга хулоса чиқариб олдик. Ҳозир мана бизни бошқаларга намуна қилиб кўрсатишяпти.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун дўкон ходимлари бир қанча ишларни амалга оширишди. Биринчидан иккита бўлим очилди. Уларнинг очилиши харидорларнинг вақтларини тежашга ёрдам беряпти. Молларнинг бари пештахтага қўйилишини, жамоатчи назоратчилар текшириб борадилар. Дўкон олдида сабзавот-мевалар, узум, полиз маҳсулотлари сотиш учун дўконча очилган. Дўкон вакиллари Оржоникидзе районидаги «Правда», «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжаликларидан мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиб келишади. Молларни ҳозирча Куйбишев район озиқ-овқат савдо бирлашмаси ҳеч қандай узилишсиз етказиб беряпти.

ЎзССР Савдо вазирлиги ўтказган жумҳурият семинар-йиғини шаҳарнинг энг яхши дўконларини намойиш қилиш билангина чекланиб қолмади. Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва районларидан келган меҳмонлар шунингдек, Тошкент шаҳар ижроқўми умумий овқатланиш Бош бошқармасининг ёрдамчи хўжаликларида ҳам бўлдилар. Бу ерда етиштириладиган маҳсулотлар шаҳар умумий овқатланиш тармоғига ўтказилиб, озиқ-овқат масалаларини ҳал қилишда катта ёрдам беради. Тошкент вилояти хўжаликларининг ишларига ҳам юқори баҳо берилди. Уларнинг тажрибаси жумҳуриятнинг бошқа ҳудудларига татбиқ этишга жоиз деб топилди.

Даврон АҲМАД.

# ҲАР ТЎҒРИДА

## БОЙЛАРНИНГ БОЙЛАРИ

● ЖАҲОННИНГ энг бой кишилари рўйхатида биринчи ўринни японялик Такито Мори эгаллаб олди, деб ёзади ҳар йили бойларнинг бойлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилувчи «Форбс» жаридаси (АҚШ). Кўчмас мулк билан савдо қилувчи 87 ёшли кордоннинг бойлиги 15 миллиард долларни ташкил этади, деб ҳисобланмоқда.

Иккинчи ўринда ҳам Япония кордомони Есиаки Цуцуми туради. Жуда кенг темирйўл шахобчалари эгаси бўлган бу киши олдинги тўрт йил давомида сурункасига миллиардерларнинг рўйхатига бошчилик қилган эди. У ўзи раҳбарлик қилаётган компания сармоясининг қирқ фоизи эгаси, деб ҳисобланади. Бу маблағ 14 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этади.

Жариданинг ёзишича, Америка Қўшма Штатларида миллиард доллардан кўпроқ бойликка эга бўлган кишилар 64 нафардир. Бу шахслар ва оилаларнинг жами бойлиги (албатта АҚШдагиси) 207 миллиард долларни ташкил этади. Миллиардерларнинг сони бўйича иккинчи ўринни Япония эгаллайди. Унда бундай бойликка эга бўлган 41 киши бўлиб, уларнинг жами сармоялари 126 миллиард долларди. Учинчи поғонада Германия туради. Бу ерда 40 нафар миллиардер яшайди.

## КОИНОТДА ЯГОНА ЭМАСМИЗ

● МАНЧЕСТЕР (Англия) яқинидаги Жодрел-Бэнк расадхонаси олимлари шу илм марказидан 30 минг ёруғлик йили масофа узоқликда сайёра жойлашганини очдилар. Бу ҳақдаги хабар «Кейчэр» («Табиат»), жаридасининг сўнгги сонида босилиши билан бутун мамлакатга яшин тезлигида ёйилди.

Шундай қизиқарли хулосага келган олимлар профессор — Эндрю Лайн ва унинг ҳамкасабалари — Мэтью Бейлс ҳамда Сетнам Шемар Галактикамизнинг маркази яқинида қаердадир жойлашган ғаройиб юлдузлар туркумидан чиқаётган радио импульсларини таҳлил қилиб, шундай фикрга келдилар. Сўз бораётган сайёра кўринмаган, балки фақат «эшитилган». Шунга қарамай унинг ҳажми аниқланди. У ерга қараганда ўн баравар каттадир.

Инглиз олимларининг тахмин қилишларича сайёра устидаги ҳарорат тахминан худди Ердагидекдир.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

# Хотира турнири бошланди

Футбол ишқибозлари ҳамон марҳум пахтакорчиларнинг такрорланмас мардонавор ўйинларини қўмсайдилар...

Афсус, ўтмишни қайтариб бўлмас экан, бироқ ишқибозлар юрагидаги меҳри ҳам ўчириб юборадиган куч топилмаса керак. Гарчи орадан ўн икки йил ўтган бўлса-да, ишқибозлар «Пахтакор-79»нинг порлоқ хотираси олдида ҳамон таъзимда. Шу таъзим ифодаси ўлароқ вужудга келган хотира турнири ҳам бу йил кенгроқ кўламда бўлиши назарда тутилмоқда.

Даставвал 1989 йил ўтказилган анъанавий бу турнирда ҳамма нарса марҳум пахтакорчиларни ёдга солади.

Иштирокчилар — 1979 йилда таваллуд топганлар бўлиши керак. Энг яхши дарвозабоқа — С. Покатилов, ҳимоячига — О. Ашуров, ярим ҳимоячига — М. Ан, ҳужумчига — В. Фёдоров, энг ёш иштирокчига — Ш. Эшбўтаев номидаги совринлар таъсис этиш кўзда тутилган.

1 августда бошланган турнир — умрбод ёддан ўчмас сана — 11 августда ёпилади.

Жамоатчилик асосида ташкил этилган турнир бу йил ташкилий комитет назоратида. Ташкилий комитет раиси — Ўзбекистон футбол ҳакамлари уюшмаси Президенти А. Имомхўжаев, аъзолари — ёш пахтакорчилар мураббийси Г. Межетов, Наманган вилояти Уйчи ноҳиясидаги «Хотира» жамоаси мураббийси М. Мўминов, «Пахтакор» футбол мактабининг директори, спорт устаси В. Штерн ҳамда футбол ҳаками А. Резаметовлар.

Мусобақаларда 16 жамоа иштирок этиши назарда тутилган эди. Бироқ сўнгги дамларда Олмаота, Чимкент ҳамда булғориялик ёш футболчилар кела олмаслиги маълум бўлди. Қолган командалар ўйинларни уч босқичда давом эттирадилар. Бир босқич ўйинлари водийда — Уйчи ноҳиясида ўтказилади.

Халқаро «ТИН» (Совет — Булғория — Австралия) қўшма корхонаси, Булғориянинг «Альбена-инфекс» фирмаси ва Тошкентдаги 3-автокомбинат ҳомийлик қилаётган бу турнир жуда қизиқарли ўтиши кутилянти. Ташкилий комитет бунинг учун анчагина ишларни амалга оширган. Ўйинлар иштирокчиларининг ёшини, об-ҳаво шароитларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий вақт билан соат 9.00 да бошланиб, икки бўлимда ярим соатдан давом этади.

Эсдалик совғалари, нишонлар, таклифномалар тайёрлаб қўйилган. Марҳум пахтакорчиларнинг онла аъзолари иштироки, уларга моддий ёрдам масалалари ҳам ҳал этилган.

Бу ҳақда жумҳурият спорт қўмитасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида, ташкилий комитет аъзолари журналистларга батафсил гапириб бердилар.

Хуллас, севимли жамоамизнинг фожиали ҳалок бўлган ўйинчилари яна бир бор эсга олинади. Ўйингоҳлар узра айланиб, бизга мадад бериб турган пахтакорчилар руҳига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, уларнинг ёркин хотирасини дилларига жо қилган ишқибозлар ҳам ўйлаймизки, бефарқ қолишмайди.

Баҳром МИРЗО.

# ОҚҚЎРҒОНДА НАВОИЙХОНЛИК

Вилоят Маданият бошқармасининг ташаббуси билан Оққўрғон ноҳияси Маданият уйида, «Ленинобод» жамоа хўжалигининг дала шийпонида навоийхонлик бўлиб ўтди. Учрашувда филология фанлари докторлари А. Ҳайитметов, С. Эркинов Навоийнинг ҳаёти, мутафаккир ижодининг турли хил миллат вакиллари томонидан севиб мутолаа қилинаётганлиги, халқчиллиги хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шоир асарларидан намуналар ўқидилар. Фаттоҳхон Мамадалиев, Наима Пўлатова сингари санъаткорлар Навоий шеърлари билан айтиладиган қўшиқларни ижро этдилар. Шунингдек, «Шодлик» дастасининг аъзолари ҳам дала меҳнаткашлари хизматида бўлдилар.

Х. СУЛАЙМОНОВ.


# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

3, 4, 7 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА

**КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ**

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Маҳмуджон ҒОФУРОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Наима ПЎЛАТОВА, Марям ИХТИЁРОВА
солистлар:
Файзулла Аҳмедов, Абдуҳолиқ Мамарасулов, Абдушоир САЛИМОВ, Равшан СОЛИХОВ, Меҳмонали САЛИМОВ, Меҳри БЕКЧОНОВА, Зулайхо БОЙХОНОВА, Рустам МАЪДИЕВ, Боир ХОЛМИРЗАЕВ ва бошқалар.
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
16-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ҚИЗЛАРНИ
1991—1992 ЎҚУВ ЙИЛИГА

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

Сиз 10 ой, 2 йил ва 3 йил мобайнида тўқувчилик, ип йигирувчилик, калаваловчилик ва пиликловчилик мутахассислиги бўйича касб эгаси бўлишингиз мумкин. Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда билим юрти томонидан 80 сўм (аъло баҳода ўқиётганлар 100 сўмгача) ва корхона томонидан 40 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқувчиларнинг амалий дарслари вақтидаги иши ишбай ҳисобланади ва 100 фоиз миқдорида маош тўланади, ёки 250—300 сўм атрофида бўлади. 9-синфни битириб келган ўқувчилар давлат қарамоғида бўлиб, кийим-бош ва ҳар куни 3 маҳал бепул овқат билан таъминланадилар. Билим юрти ота-онасидан маҳрум бўлган болаларга қўшимча имтиёзлар беради ва ўз қарамоғига олади.

Жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларидан келган ўқувчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ва Тошкент шаҳрида турар-жой рўйхатидан ўтказиладилар.

Ўқувчиларга ўқиш даврида енгил кўйлакларни бичиш ва тикиш мукаммал ўргатилади. Гувоҳнома билим юртини битирганлиги тўғрисидаги дипломга қўшиб берилади. Билим юртида ҳар хил тўгараклар ишлаб турибди.

Билим юрти Тошкент шаҳри ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси учун ишчилар тайёрлаб бериши сабабли ўқувчиларга шу корхонадаги ишчиларга яратилган ҳамма имтиёзлардан, спорт комплексидан, маданият саройидан, дам олиш масканларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Режаларни ошиғи билан бажараётган ишчиларнинг ойлиги 700—1000 сўмгача бўлиши мумкин.

1991 йилдан бошлаб корхона билим юртини аъло баҳолар билан битирган, амалий дарслар даврида юқори самарадорлик кўрсатган ўқувчиларга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳига корхона ҳисобидан ўқишга йўлланма бера бошлади.

**Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:** раҳбар номига ариза, 3×4 см катталикда фотосурат, паспорт, меҳнат дафтарчаси, талабаларнинг соғлиги корхона тиббиёт бўлимида текширилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 55-44-85.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Фрунзе ноҳияси, А. Қодирий кўчаси, 34-уй. (2, 80, 97, 57-автобусларнинг «А. Қодирий кўчаси» бекати; 14-троллейбуснинг «П. Полторацкий кўчаси» бекати.

**ҚАДРЛИ ДЎСТЛАР!**

БУГУНГИ ҚУНДА БИЗ ҲАММАМИЗ ИҚТИСОДИЁТИМИЗГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ҚУРСАТИШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРНИ ҲАМ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН БЎЛГАН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ АРАФАСИДА ТУРИБМИЗ.

Рўй бериши муқаррарлиги кутилаётган ишсизлик балоси ана шундай салбий ҳолатлардан биридир.

Ҳозирги мураккаб даврда биз Сизга нажот қўлимизни чўзиб, таркибида тажрибали психологлар, ижтимоиётчилар, менежмент соҳасидаги мутахассислар ва бошқалар бўлган малакали экспертлар гуруҳига мурожаат қилишингизни маслаҳат берамиз. Улар Сизнинг хизматга оид ва шахсиятингиз билан боғлиқ хислат-фазилатларингизни синчиклаб алоҳида тартибда текшириб чиқадилар ва Сиз учун батафсил тавсифнома-тавсиянома тайёрлаб, Сизнинг рейтингингизни аниқлаб беришади.

Бу ҳужжат Марказнинг ақлий (интеллектуал) меҳнат ресурслари банкига жойлаштирилади ва кейинчалик Тошкент шаҳридаги хусусий, кооператив кичик, аралаш ва давлат корхоналари томонидан кадрларни танлаш ва ўзларининг меҳнат жамоаларини тўлдириш мақсадида ёки айнан ўзингиз ишлаб турган жойда хизмат поғоналари бўйлаб илгарилашингиз учун асос сифатида фойдаланилади.

Зарур ҳолларда Сиз хоҳишингизга кўра Марказда бозор иқтисодиёти қонунларини янада тўлиқроқ ўрганиш ва ўз рейтингингизни ошириш мақсадида хусусий дастур бўйича қўшимча таълим олишингиз мумкин.

Бизнинг хизматга оид ва молиявий ўзаро муносабатларимиз махсус шартнома билан мустаҳкамланади.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан 46-17-40 телефони бўйича маълумот олишингиз мумкин.

Манзилимиз: 700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 76-уй (3-қават, 22-23-хоналар).

БИЗ СИЗГА ЎЗ ҚОБИЛИЯТ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗНИ ЯНГИ ШАРОИТЛАРДА РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА ЁРДАМ БЕРАМИЗ!



Тошкент ҳақиқати («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Индекс: 64672.

Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Буюртма № 5814.

Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.45.